

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

Kasb ta'limi fakulteti 5140901-Kasb ta'limi (iqtisodiyot) bakalavr
ta'lim yo'nalishi talabasi Nazarova Umidaning

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: «Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida bank xizmat-
laridan foydalanish samaradorligini oshirish yo'llari»
mavzusida yakka tartibdagi o'qitish texnologiyasini yaratish

Rahbar:

A.D.Ravshanov

Maslahatchi:

J.U.Shonazarov

Ish bajaruvchi:

U.Nazarova

«Himoyaga ruxsat etildi»

«KT va P» kafedrası

mudiri

dots. Z.L.Botirov

«20» 06 2014 y.

«Himoya uchun DAK ga yuborildi»

«Kasb ta'limi» fakulteti

dekani

dots. Q.S.Jumanazarov

«24» 06 2014 y.

QARSHI-2014 y.

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

Kasb ta'limi fakulteti
Kasb ta'limi (Iqtisodiyot) ta'lim yo'nalishi

«TASDIQLAYMAN»

K. I. M. P. kaf. mudiri
Detis S. S. Botirov
(imzo, f.i.sh)

« 9 » dekabr 2013 y

Bitiruv malakaviy ishi uchun

TOPSHIRIQ

Talaba Nazarova Umida Bostiyarova ga

1. Malakaviy ish mavzusi Iqtisodiyotni "modernizatsiyalash sharoitida bank xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish yo'llari" mavzusida yakka tartibdagi o'qitish texnologiyasini yaratish

institutning №581/5 buyrug'i bilan 6-dekabr 2013y da tasdiqlangan.

2. Malakaviy ishni topshirish muddati 20.08.2014y

3. Malakaviy ish uchun ma'lumot Kasb-hunar kollejining o'quv-me'yoriy hujjatlari, fan-tehnika yutuqlari, ilmiy iqtisodiy jurnallar, adabiyotlar va boshqalar

4. Hisobiy izoh qismining mazmuni (ishlab chiqilishi lozim bo'lgan savollar ro'yxati) Kirish. Fan va mavxuning ta'rihi; O'qitish metodikasining umumiy masalalari; Iqtisodiy-jitmoiy masalalar majmuasi; Nazariy darajadagi metodikasi; Amaliy mashg'ulot o'tirish metodikasi; Dulosi va takliflar; Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

5. Chizmalar ro'yxati (bajarilishi shart bo'lgan chizma va grafiklar)

1. Ta'lim jarayonining tuzilishi modeli
2. Pedagogik texnologiya bilan o'qitishdagi uslubiy tizim
3. Darajat qurilish banki Qashg'adaryo viloyati filialida kredit geymalarning iqtisodiyot tarmoqlari bo'yicha tarkibi
4. Berilgan kreditlarning muddatiga ko'ra tarkibi

6. Malakaviy ish bo'yicha maslahatchilar O'qitish uslubiyoti bo'yicha maslahatchi: F. U. Shonazarov

7. Malakaviy ishini bajarilishi bo'yicha kalendar grafik

Haftalar soni	Malakaviy ish bo'limlari	Malakaviy ishning hajmi beti	Umumiy hajmga nisbatan %	Bajarilganligi to'g'risidagi belgi	Izoh
I	Kirish. Jan va mavxuning ta'rif	8	7%	bajarildi	a'lo
II	o'qitish metodikasining umumiy masalalari	40	33,5%	bajarildi	a'lo
III	Iqtisodiy-ijtimoiy masalalar majmuasi	39	33%	bajarildi	a'lo
IV	Nasariy dars o'tish metodikasi	16	13%	bajarildi	a'lo
V	Amaliy dars mashg'ulotlari metodikasi	9	8%	bajarildi	a'lo
VI	Qulora va takliflar. Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati	7	5,5%	bajarildi	a'lo
	jami:	119 bet	100		

Malakaviy ish rahbari

A. D. Ravshanov

A. D. Ravshanov

Topshiriq olingan kun

9. 12. 2013 y

Talaba

Naxarova

Naxarova Urnida

QARSHI MUXANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

Karsh ta'limi fakulteti Karsh ta'limi (Iqtisodiyot) talim yunalishi
Mansurova Umida Baxtyarova ning bitiruv malakaviy ishiga

TAQRIZ

Mavzu: Iqtisodiyotni modernizatsiyalash marcitida bank xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish yollari mavzusida yakka tartibdagi o'qitish texnologiyasini yaratish

Malakaviy ishining hajmi 119

a) yozma izox qismi varaqlar soni 119 bet

b) grafik qismi chizmalar soni 5 ta

Malakaviy ish mavzusining dolzarbligi va berilgan topshiriqqa mosligi

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish iqtisodiyotni modernizatsiyalash marcitida bank xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish yollari vujudga keladi.

Malakaviy ishning yozma izox va grafik materiallarining tarkibi va bajarilish sifati

Yo'qama izox qismida o'qitish metodikauning umumiy masalalari iqtisodiy ijtimoiy masalalar majmuidan va nazariy va amaliy darajada o'qitish metodikasi qismlari bajarilishi sifati o'z, jadval va ular tahlili to'g'ri

Malakaviy ishda ilmiy manbalar, fan-texnika yutuqlari va ilg'or tajriba natijalaridan foydalanilganligi

Malakaviy ishni bajarishda ilmiy iqtisodiy manbalar, pedagogik texnologik tajribalarni, zamonaviy texnologiyalardan umumiy foydalanilgan.

Malakaviy ishning ijobiy tomonlari va ahamiyati Malakaviy ishning iqtisodiy qismida bankning iqtisodiy samaradorlik koeffitsientlari to'g'ri taqdim etilgan va ish talab darajasida bajarilgan.

Malakaviy ishdagi kamchiliklar Malakaviy ishda jadvallar rag'batlanmagan va tartibga solinmagan va internet ma'lumotlarini adabiyotlar ro'yxati kiritilmagan

Malakaviy bitiruv ishining bahosi (maksimal ball 100) va bitiruvchiga unga mos yunalish bo'yicha «Bakalavr darajasi» berilishi mumkinligi to'g'risida xulosa

88 ball bilan baholayman va bakalavr darajasi berilishiga ta'kid etaman

Taqrizchi: 
(imzo)



Qar. Agronome va tadbirkorlik kolleji
metodika fan o'qituvchisi Mansurova U. B.
(mansabi, ish joyi, ilmiy darajasi, f.i.sh.)

«20» 06 2014 y

Кириш

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим ислохотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда. Мамлакатимиз банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича республикада бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда банк секторининг салмоғи янада такомиллаштириш борасида таклифлар бериш иқтисодчи-педагоглар тайёрлаш соҳасидаги энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шундай вазифалар қаторида ҳар томонлама билимдон, зукко ва маънавий етук мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимининг асосий мақсадларидан биридир.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимидаги, ўқув-тарбия ишлари соҳасидаги муаммоларни изчиллик билан, босқичма-босқич ҳал этиш йўллари ва воситалари таълим тўғрисидаги давлат ҳужжатларида белгилаб берилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ёш авлодни таълим-тарбиялаш, уни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги амалий ишлар муҳим омил сифатида эътироф этилади. Бу борада кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қиладиган, янгича фикрлайдиган юқори малакали иқтисодчи - педагогларга эҳтиёж катта. Бугунги кунда касб - хунар коллежлари учун етук, юксак ахлоқий фазилатларга эга, ҳар томонлама билимдон мутахассислар тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир.

Касб-хунар коллежлари таълим жараёни мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, яхшилаш, уни бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш билан юқори малакали, рақобатбардош, замонавий мутахассис кадрлар тайёрлашга эришиш мумкин. Ҳозирги кунда касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ноанъанавий ўқитиш тизимини йўлга қўйиш мақсадига эришишни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари жамиятимизни демократик янгилаш ва тараққиётни янги босқичга кўтариш вазифаси иқтисодиётимиз ривожини ва таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг тубдан ўтказилиши, яхши йўлга қўйилиши билан белгиланади. Президентимизнинг 2013 йил 19 январдаги 2012 йилда республикани ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисида сўзлаган «Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» маърузасида ҳам таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равишда эътибор, таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, шунингдек, иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалалар ўз ифодасини топган¹.

Ушбу маърузада мамлакатимизда 2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида банк тизимини янада такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, тижорат банкларини ликвидлигини ошириш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилгани таъкидлаб ўтилди. Президентимиз маърузасида 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилди. Ушбу вазифалар қаторида энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни илмий билимлар билан қуроллантириш, уларда ақлий салоҳият ва маънавий ахлоқий сифатларни ривожлантириш, таълим муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли

¹ И.А. Каримов. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» маърузасида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилги мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. / «Ўзбекистон овози»// 2013 йил 19 январ

амалга ошириш мақсадида 2014 йилда бир қанча амалий ишлар режалаштирилди ва бошлаб юборилди.

Ҳозирги кунда касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини педагогик технологиялар, таълимнинг техник воситалари асосида ташкил этиш, замонавий дарс ишланмалари яратиш борасидаги ютуқлар таълим тизимини янада такомиллаштиришда эътиборга моликдир. Шунга асосан ўқув жараёнида машғулотларни яқка тартибдаги ўқитиш технология асосан лойиҳалаштириш таълим мазмуни фаол ўзлаштиришни таъминлайди ва ўқувчи-талабаларда билишга ва фаол ижодий фикрлашга ундайди. Бундай машғулотларда талабанинг билим олиш даражаси доимий мониторингини амалга ошириш ва зарурий тузатишлар киритиш имконияти таъминланади. Шу боисдан мен «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусини яқка тартибдаги ўқитиш технологияси асосида дарс ишланмалари тайёрланди. Мавзу бўйича назарий ва амалий дарс ўтиш методикаси яратилди ва қўйилган масаланинг иқтисодий нуқтаи назардан ечимлари келтирилди.

1. Фан ва мавзунинг тавсифи

1.1. Касб-хунар коллежларида кичик мутахассислар тайёрлашда «Пул, кредит ва банклар» фанининг тутган ўрни ва фанлараро боғлиқлиги

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да шахс миллий моделимизнинг асосий ташкил этувчиси сифатида белгиланган бўлиб, унга нисбатан қўйиладиган талабларнинг амалга оширилиши таълим ислохотларининг натижасини белгилаб беради. Ўз навбатида мазкур ҳужжат «Таълим тўғрисида» ги Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим турларидан ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган ушбу таълим тури ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлаб беради. Шунинг учун ҳам касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қиладиган, салоҳиятли, янги фикрлайдиган, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатадиган юқори малакали иқтисодчи-педагогларга бўлган эҳтиёж катта.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида касб-хунар коллежларида тайёрланадиган малакали кадрлар «Пул, кредит ва банклар» фанини мукамал ўрганиш билан бир қаторда умум иқтисодий фанлар бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлмоғи лозим. Бугунги банк тизимини ривожлантириш, айниқса тижорат банклари фаолиятини юқори савияда ташкил этиш кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги банк тизимини мутахассислар ва малакали иқтисодчилар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида касб-хунар коллежларида мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган малакали кадрларни тайёрлашни тақазо қилади. Шундай экан касб-хунар таълими фанлар блокадаги «Пул, кредит ва банклар» фанининг кишлоқ хўжалиги корхоналари, банк тизими учун малакали кадрлар тайёрлаб беришда муҳим ўрин тутаяди.

Ҳозирги кунда банк тизими, айниқса тижорат банклари фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Банклар фаолияти уларда пул муомаласининг яхши йўлга қўйилиши, ривожланиши ва пул айланмасининг яхши йўлга қўйилишига оид кўп ишлар қилинмоқда. Айниқса бу фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, таълим-тарбия муассасаларида шу соҳа мутахассисларининг тайёрланиши амалий аҳамиятга эгадир. Жумладан, касб-хунар коллежларида тайёрланадиган малакали кадрларнинг «Пул, кредит ва банклар» фанини чуқур ўрганиши, шунингдек ўқувчилар тадқиқот ишларида муайян кўникмаларга, ушбу фанлар тизимида назарий ва амалий билимларга эга бўлиши зарур.

Коллежларда таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар фанга оид барча билимлар, илмий, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш қаторида бошқа иқтисодий фанлар тизимини ҳам мукамал билишлари, улар асосида маълум билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади.

«Пул, кредит ва банклар» фани қуйидаги фанлар билан ўзаро боғлиқдир.



10

1.1-расм. “Пул, кредит ва банклар” фанининг фанлараро боғлиқлиги

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврида бу фанни билмасдан туриб банк тизими, пулнинг барқарорлигини сақлаб қолиш ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди. Пул муомаласи, кредит ва банклар фаолиятини жонлантириш учун кенг қўламли давлат ёрдами билан бирга шу соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлигини янада яхшилаш ва бозор иқтисодиёти шароитига муваффақиятли мослашиш маҳоратини, ишбилармонликка, вазиятни билимдонлик билан таҳлил этишга иштиёқини ошириш чоралари кучайтирилиши керак. Шундай қилиб, касб-хунар коллежларида бу фаннинг ўқитилиши малакали кадрларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва малакасини оширишга эришилади.

1.2. Танланган мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатлар орасида Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги, таълим-тарбия соҳасидаги ислохатлар муҳим ўрин тутди. «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёш авлодни миллий истиқлол мафқураси руҳида тарбиялаш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларни миллий таълим-тарбия анъаналари асосига қуриш масалалари кўтарилган ва шу муаммони ҳал қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилган. Бу иккита Қонун хужжати асосида амалга оширилаётган мислсиз ислохатлар касб-хунар таълими тизимида ҳам туб ислохатларнинг ўтказилишини таъминлаб, ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг ўз бурчлари ҳамда вазифаларини онгли бажаришга асосланади. Бу эса ўз навбатида таълим жараёни самарадорлигини оширишдир. Айнан таълим тизимимиз учун янги поғона бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида замонавий ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш масалалари ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур муаммони бартараф этиш, ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш борасида таълим методлари ва ўқитишнинг техник воситаларининг тутган ўрни самарали ва аҳамиятли бўлиб, у асосан қуйидаги натижаларга эришишни таъминлайди:

- ўқув жараёнидан кўзланган мақсадга аниқ эришишни;
- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- ўз вақтида алоқаларнинг такомилланиши;
- ўқувчининг билиш фаолиятини жонлантириш ва ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилашга эришишни;
- мотивациянинг юқори даража бўлиши;
- ўтилган материал яхши эслаб қолинади;

- жонли мулоқотга киришиш кўникмаси такомиллашади;

- ўқувчиларнинг дарсга бўлган (қизиқиш) муносабати ижобий томонга ўзгаради ва муаммоларни ечиш кўникмалари шаклланади.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар зарур билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш билан бирга маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам тарбияланиб боришади. Таълим тарбия жараёни билан узвий боғланган ҳолда олиб борилиши зарур. Ҳар қандай даврда ҳам ёш авлодни баркамол, комил ва жамиятда ўз ўрнига эга шахс қилиб тарбиялаш энг асосий мақсад бўлиб келган. Жамиятимиз келажаги, равнақи ва тараққиёти ҳар томонлама ривожланган, етук, ижодкор, бунёдкор, интеллектуал салоҳиятли ҳамда маънавий бой авлодни тарбиялашга боғлиқ. Биз танлаган ушбу мавзу мазкур масала бўйича илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни ва тавсияларни таълим-тарбия тизимига жорий этиш йўл-йўриқларини ўзида ифода этади. Мана шундай мулоҳазаларга асосланган ҳолда танланган мавзу долзарб аҳамиятга эга.

1.3. Касб-ҳунар коллежларининг мақсад ва вазифалари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан таълим турларининг асосий бўйини ҳисобланган касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб - ҳунар ўқув юртидир. Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириши ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. Касб -ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилди. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб-ҳунар таълимини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:

- касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишнинг норматив базаларининг ишлаб чиқариш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- касб-ҳунар таълимини давлат стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб - ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
- касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;
- касб-ҳунар коллежларининг моддий - техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Касб -ҳунар коллежлари таълими сифатини яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчилар давлат аттестациясидан ўтказилиши ва таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилиши лозим. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида кўзда тутилган масалаларни ижобий ҳал этиш соҳасида касб-ҳунар коллежлари фаолияти ҳам янада яхшиланди. Шунинг натижаси ўлароқ, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига ўз йўналишлари бўйича чуқур назарий ва амалий билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари

2.1. Дидактиканинг предмети ва вазифалари.

Дидактика педагогиканинг бир қисми бўлиб, унда таълим назарияси баён этилади. Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «Дидайко» - ўқитиш, «Дидаскол» - ўргатувчи деган маънони англатади, яъни педагогиканинг ўқитиш назарияси тармоғидир. Таълим назарияси таълим жараёни, унинг моҳиятини, таълим қоидалари, усуллари ҳамда ташкилий формаларини ўз ичига олади. Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларини билиб олиш вазифасини қуяди.

Дидактиканинг предмети таълим-тарбия муассасаси шароитида ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Марказий Осиё халқлари тарихида дидактикага доир ўлмас асарлар ёзиб қолдирган бир қанча буюк мутафаккирларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Ватандошларимиздан Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, М. Улуғбек, А. Навоий каби алломаларимиз тиббиёт, мантик, мусиқа, адабиёт, география, математика каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар. Кайковуснинг «Қобуснома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Юсуф Хос-Ҳожибнинг «Қутадғу-билиг», А. Навоийнинг «Махбубул-қулуб» (Кўнгиллар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Шарқу ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди. “Дидактика” атамаси илк бор немис педагоги *Вольфганг Ратке* томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маърузасида қўлланилган.

Дидактиканинг асосчиси XVII асрнинг буюк чех педагог-олими Ян Амос Коменскийдир. Ян Амос Коменский (1594-1670) бутун дунёда педагогик фикрлар ва мактаблар тараққиётига жуда ўлкан ҳисса қўшган етук олимдир. Унинг 1632 йилда ёзган «Буюк дидактика» асари ўқитишни ривожлантиришга ғоят сезиларли таъсирини кўрсатди, шунинг учун ҳам бу асар жаҳон педагогикаси олтин хазинасининг ноёб гавҳари ҳисобланади. Европада дидактик таълимотлар давомийлигини рус педагоги К.Д. Ушинский, Н.Г. Чернишевский ва Н.А. Добролюбов, швейцариялик педагог И.Г. Песталоцци, немис педагоги ва файласуфи Иоган Генрих Гербарт, А. Дистервегларнинг мактаб таълими ҳақидаги таълимотларида кўриш мумкин.

Ўзбекистонда (кейинги йилларда) дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши А. Авлоний, Х.Х. Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий, М. Бехбудий, О. Шарафиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Мустақил Республикамизда 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг 9-сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши таълим-тарби соҳасида муҳим ўзгаришлар ва туб ислохатларнинг ўтказилишига асосий омил бўлди. Шу боисдан бугунги кунда таълим-тарбия муассасалари фаолиятини яхшилаш, шакллантириш, ўқитиш тизимини яхши йўлга қўйиш ва янги педагогик технологияларни жорий этишга эришилмоқда.

Дидактик таълимнинг ривожланиши бевосита касб-ҳунар таълимида ҳам туб ислохатларнинг ўтказилишида муҳим омил ҳисобланади.

Касб-ҳунар таълимига қатор дидактик талаблар қўйилади. Булар қуйидагилар:

1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги;
2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги;
3. Ўқув материални тўғри танлаш;
4. Таълим методларини аниқ мақсадларга қарата танлаш;
5. Ўқувчилар ишларида хавфсизликни таъминлаш;
6. Дарснинг ташкилий аниқлиги.

Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усуллари янада ишончлироқ танлашга имкон беради. Касб-ҳунар коллежларида педагогик фаолиятга хос бўлган янги педагогик технология асосида ўқитувчилар фаолияти шаклланимоқда, шунингдек масофавий таълим, ахборот технологияси ёрдамида дарс бериш ҳозирги замонавий ўқитувчининг фаолиятида кўринмоқда.


2.2. Касб-хунар коллежларида ўқитиш жараёнининг моҳияти

Касб-хунар коллежларидаги ўқитиш жараёни ҳам бошқа таълим турлари сингари икки фаолиятга асосланади, яъни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади.

Таълим жараёни - ўқувчининг билмасликдан билишга томон, оддийдан мураккабга томон, унча тўлиқ бўлмаган билимдан анча тўлиқ, аниқроқ ва чуқурроқ бўлган билим томон содир бўладиган жараёндир. Бу ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилади. Ўқитувчи билим эгаллаш йўлларини ўқувчи-талабаларга кўрсатади, яъни кишилик жамияти томонидан бор, ҳамда бундай билимларга эга бўлмаган бола онгида воситачилик қилади. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта уйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижаларни беради. Ўқувчилар таълим жараёнида оламни била бориб, ўзлари учун илгари номаълум бўлган, бирон фан кашф этган ва одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиётида текшириб кўрилган янги фикр, нарс ва ҳодисаларни билиб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларни олимлар томонидан яратилган бу қонунни, ғоя ва билимларни билишга тўғри, енгиллаштирилган, вақт жиҳатидан қисқа йўлдан олиб боради. Ана шу жараёнда ўқувчининг билимларни ўзлаштиришга фаол муносабатда бўлиши унинг билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради

Таълим муассасаларида таълим жараёни - таълим берувчи ва таълим олувчининг белгиланган мақсадга қаратилган ҳамда олдиндан кўзланган натижага олиб боровчи ўзаро фаолиятидир. Демак, таълим яхлит тизим сифатида кўплаб ўзаро боғлиқ қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

Таълим жараёнининг тузилиши модели



2.2.- расм. Таълим жараёнининг тузилиши модели

Таълим жараёни икки ёқлама характерга эга, чунки унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи катнашади. Ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этиш учун ўқув материални танлайди ва таълимни ташкил этиш йўлларини белгилайди. У таълим жараёнида ўқувчи (талаба) фаолиятини бошқаради ва раҳбарлик қилади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материални баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқишни таркиб топтиришдан, ўқувчи-талабаларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилишдан, уларнинг билим, кўникмаларини текшириш, рағбатлантириш ва билим даражаларини холис баҳолашдан иборатдир.

Ўқитувчи фаолиятининг муваффақияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларида умумий дидактик принципларни қанчалик тўғри амалга оширишига

боғлиқ. Ўқитувчининг фаолияти таълим жараёнининг ташқи томонини ташкил қилади, чунки у ўқитади, таълим беради. Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқувчи фаолияти ички жараёнини ташкил этади, яъни у ўқитувчи берган билимни ўқиб, тушуниб олади.

Касб-хунар коллежлари таълим жараёнида фаннинг энг зарурий, энг муҳимлари асоси ўрганилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчига билим берар экан, уни соддадан мураккабга, умумийдан хусусийга етаклайди, хулосалар чиқаришга, ҳаётда ишлаб чиқаришда қўллай билишга ўргатади. Ўқитувчи ўз фанини қанчалик содда баён қилмасин, у чуқур илмий бўлиши лозим. Ўқитувчи билимларни ўргатар экан, ўша жараёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчиликларини кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Ўқувчилар ўқитувчи сабоғини ўзлаштириш жараёнида билимларни идрок қилиш, тушуниш, мустаҳкамлаш ҳамда уларни амалда қўллаш босқичларидан иборат бўлади. Таълим жараёнида ана шу иккала томон яхши қатнашмаса таълим жараёни яхши натижага эришмайди. Чунки ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам таълим жараёнининг асосий таркиби ҳисобланади. Шу боисдан таълим жараёнида бу икки томондан биттаси, яъни ўқитувчи ёки ўқувчи қатнашмаса ҳам таълим жараёни амалга ошмайди.

2.3. Дидактик принциплари ўқув жараёнига қўллаш

Ўқув жараёнида ўқитувчи фаолиятининг муваффақияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларида умумий дидактик принцип (қонуният) ларни қанчалик тўғри амалга оширишига боғлиқ. Таълим жараёнида таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Таълим қонуниятлари бу - ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир. Таълим принцип (қонуният) лари деб, таълимнинг барча босқичлари ва ҳамма предметларини ўқитиш учун асос бўладиган қонуниятлар, қоидаларга айтамыз. Таълим қонуниятлари ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги энг муҳим ички аҳамиятни акс эттиради. Ўқитишнинг принципларидан унинг қоидалари келиб чиқади ва улар у ёки бу принципларнинг хусусий қоидаларини акс эттиради. Ҳар бир ўқитувчи шуни англаб етиши муҳимки, ўқув жараёнини самарали қуриш – бу, ишда ўзини оқлаган педагогик қонуниятлар, дидактик қоидаларни ҳозирги замон шароитидаги янги масалаларни ҳал қилишда ижодий фойдаланган ҳолда ва ўзаро алоқада фойдаланиш демакдир. Ўқитиш қонуниятларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш қоидалари деб атайдилар. Таълим қоидалари - ўқитишнинг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл - йўриқларини ўз ичига олади.

Таълим қоидалари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади. Сўнги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси. Таълимнинг илмийлиги қоидаси ўқувчининг ўқув материалларидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси таълим жараёнида ўқувчиларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий тадқиқот усуллари билан таништириб боришни таъминлашга қаратилган.

2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши қоидаси. Ўқитувчининг билимларни тизимли баён қилиши ўқувчиларга ўқув предметининг структураси ва мантиғини чуқурроқ тушуниш, фаннинг бош ғояси ва асосий қоидаларини ажратиш, табиат ва жамият ходисалари ўртасидаги ички боғланишни аниқлаш имконини беради. Ўқитишнинг тизимлилиги ўқитишда муваффақият гарови бўлиб, фикрларни тартибга солади, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни осонлаштиради ҳамда яхшилайдди. Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларга замин ҳозирласин. Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир.

3. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси. Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси асосий ва етакчи қоидалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва

кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга

4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши қоидаси. Дидактикада таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи қоидадир. Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидасининг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида ўқувчилар ўқув материалининг туб моҳиятини тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар.

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси. Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутди. Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллиги, аввало уларнинг ақлий фаолияти – тафаккур қилиш фаолиятидир.

6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси. Бу қоида дидактик қоидалардан бири бўлиб, у ўқитиш жараёнининг сифатини орттиради, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Кўрсатмалилик принципи идрок этишни осонлаштириши ва назарий билимларни ҳаёт, амалиёт билан боғлаш имконини беради.

7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш ва таълимнинг ўқувчига мос бўлиши қоидаси. Таълимнинг муваффақиятли бўлишида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга мос муомала қилиш ҳал қилувчи ўрин тутди. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қоидаси бу- ўқув материалларининг мазмуни, унинг ҳажми, характери, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожи, ақлий қобилияти, умумий тайёргарлиги-савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши тушунилади.

8. Пухталиқ. Таълим жараёнидан кўзланган натижага эришиш учун дарс пухта режалаштирилган бўлиши лозим.

9. Таълимнинг тарбияловчилик характери. Ўқитувчи фаолияти таълим жараёнида билим бериш билан бир қаторни у тарбияловчилик характериға ҳам эга, чунки у таълим ва тарбия ижодкори ҳисобланади.

Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларға эга бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

2.4. Касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг мазмуни

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Касб-ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг билиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимға солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади. Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

- а) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари;
- б) давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдиға қўядиган мақсад ва вазифалари;
- в) ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборға олувчи дидактик талаблар.

Таълим жараён сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг маълум йиғиндисини фаолият ва муносабатларининг тегишли тажрибасини ўзлаштиришға қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир. Таълим натижаси сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларға эга бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Таълим мазмуни ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси – давлат ҳужжати дир. Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатиға айтилади. Ўқув режалари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади. Шунингдек, ўқув-тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосан тузилади.

Ҳар бир ўқув фани учун **ўқув дастури** тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва гоёвий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатиدير.

Дастурнинг асосий вазифаси - ўқув предметининг мазмунини ифодалашдир. Унда курснинг синфларга, қисмларга, мавзуларга бўлиниш, уларни ўрганиш тартиби, соатлар тури кўрсатилади. Шундай қилиб, дастур иккита вазифани бажаради: таълимнинг мазмунини ўқув предмети доирасида акс эттиради ва предмет учун муайян норматив сифатида хизмат қилади. Шунингдек, у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

Дарслик ўқув жараёнининг зарур қисмиدير. Дарслик -ўқувчиларнинг китоби ва унинг энг муҳим қуролидир. Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир. Дарсликлар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қуланмалари ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириши ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. Касб-ҳунар коллежларда талабалар ўзлари танлаган таълим йўналиши бўйича билимини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга қаратилган махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар.

2.5. Дарснинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш

Таълимнинг ташкилий шакллари

Таълимнинг ташкил этиши шакллари қадимда турлича кўринишида олиб борилган, яъни таълимнинг мукамал жамоа шакли мавжуд бўлмаган. Мактабнинг тарихан тараққий этиши даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиши шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган.

Узлуксиз ривожланган жамиятда таълимнинг мукамал жамоа шакли яъни дарс неча йиллардан бери такомиллашиб, унга қўйилган талаблар мураккаблашиб ва замонавийлашиб бормоқда.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф-дарс тизимини яратди. Я. А. Комеснкийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашлари бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам ғарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди. Синф-дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мамлакатларига тадбиқ этилмади. Уларда 1917 йилга қадар ўрта аср мактабларига хос таълим тизими (шакли) давом этиб келди. Ушбу мактабларда 6 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган болаларга бир хонада бир вақт мабойнида машғулоти олиб бориларди. Шу боисдан болаларнинг билим даражалари ва ўзлаштириши ҳам турлича бўлар эди.

Ўзбек мактаблари XX аср бошларида синф-дарс тизимига ўтди. Айнан бу даврда Туркистонда жаҳид усулидаги мактабларнинг кириб келиши синф-дарс тизимига асосланади. Ҳозирги давргача гуруҳли машғулотларнинг синф-дарс тизими деб аталган бундай шакли кенг тарқалди, мустаҳкамланди ва шунча вақт мабойнида дарснинг ташкилий шакллари ҳам, таълимнинг методлари ҳам узлуксиз такомиллашиб кетди.

2.6. Дарс -ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий ташкилий шакли

Дарс - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга оширади. Дарс ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий ташкилий шаклидир. Синф- ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади. Дарс - ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва яқка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Коллежларда дарснинг бошланиш даврини - дарснинг ташкилий дақиқалари деб аталади. Бирок, бу дарс шаклининг бирор босқичи ёки тузилишига кирмаслиги керак. Ташкилий дақиқада саломлашиш билан биргаликда синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиб, навбатчидан давоматни аниқлаб, сўнгра дарснинг асосий қисмини бошлаш муҳимдир. Тажрибали ва маҳоратли ўқитувчилар фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чалғитмай, дарҳол иш бошлаб юборадилар. Айни пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа – бутун синф ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Дарс машғулотдан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб ўқитиш билан бошланади. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади. Дарсда режада мўлжалланган материални ўтиб бўлингач, у албатта яқунланиши, хулосалар чиқарилиши керак. Шунингдек, ўқитувчи дарсни илғор педагогик технологиялар асосида олиб бориши, турли хил таълим методларидан унумли фойдаланиш ва ўқувчиларга кўпроқ муаммоли вазиятлар яратиш орқали уларга янги материални баён қилиши дарс сифатини оширади.

Дарснинг учта асосий мақсад, вазифаси мавжуд. а) таълимий; б) тарбиявий, с) ривожлантириш. Ўқитувчининг дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсади – таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашдир.. Бунинг учун:

а) ўтилаётган мавзудан кўзланган мақсадни ўқитиш билан бир вақтда, ўқувчилар материални фаол идрок қилишга сафарбар этилган бўлишлари керак. Яъни ўқитувчи баён қилаётган мавзу ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, онгли ўзлаштиришга интилишларини таъминламоғи лозим;

б) ажратилган вақт ичида ўқитувчи материалларни тизимли ва изчил баён қилиш билан бир вақтда, ўқувчиларни ҳам, албатта, мавзуга оид мустақил иш олиб боришларини таъминлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчи дарсда мавзуни баён қилиш давомида ўқувчиларга муаммоли вазият туғдирадиган саволлар бериб, уларни фикрлаш ва изланишга ундаса ўқувчилар ушбу материални пухта ўзлаштириб олади.

в) Билимларни баён қилиш жараёнида ўқувчилар фаоллиги (оғзаки, ёзма машқлар ва лаборатория-тажриба ишлари, мустақил ижодий ишлар) ишга солинмоғи лозим.

г) дарс жараёнида ўтилаётган ўқув материаллари бошқа фанларнинг алоқадор мавзулари билан боғланишини кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дарсда ўқув – тарбия ишларининг барча компонентлари: мақсад, мазмун, воситалар, методлар, ташкил этиш ва бошқариш фаолияти ҳамда унинг ҳамма дидактик элементлари мужассамланган деб ҳисоблаш қабул қилинган. Шунга асосан ўқитувчи дарс муаммоларига тўғри ёндошиши учун таълим жараёнининг асосий компонентларини билиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирини тушуниши лозим.

2.7. Дарс, унинг турлари ва тузилиши, дарсга бўлган талаблар

Дарс - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга оширади. Дарс ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўллари излайди. Турли-туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир дарс мустақкам ғоявий-сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи, шунингдек хилма хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

4. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ зарур.

5. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

6. Дарсда ўқув материалнинг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техник воситалар ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

7. Дарсда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилар:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси (маъруза).

2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.

3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.

4. Такрорлаш – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши). Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материални тўғри ва самарали тушунтиришига, мустаҳкам эса қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштиришини назорат қилиб боришига ёрдам беради. Демак, дарс бошдан – оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш (савол-жавоб), янги билимлар устида машқ ўтказиш (масала ва мисоллар ечдириш, график ишлари олиб бориш), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементи-тушунтириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ва ҳ. к) каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин.

Дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини англатади. Бирок, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қилади.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади. Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

1. уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;

2. янги материалларни баён қилиш;

3. янги материалларни мустаҳкамлаш;

4. уй вазифаларини топширишни ўз ичига олади. Бунда:

5. уй вазифаларини кўриш суҳбат (савол-жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг биринчи қисми, дарснинг биринчи босқичи;

б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи босқичи;

в) янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишининг учинчи қисми, учинчи босқичи;

г) уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш. Суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишини тўртинчи қисми, дарснинг тўртинчи босқичидир. Юқорида кўриб ўтилган дарс турларининг ҳаммаси ўз тузилишига эга бўлганидек, маълум босқичларга ҳам ажралади.

Такрорий-умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлганидан кейин ўтказилади. Бунда ўтилган материалларни такрорлаш – қайта эса тушириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтилган мавзуларни қамраб олган ва бир-бирига боғлиқ бўлган саволлар орқали умумлаштириш назарда тутилади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти заминидан ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма хил фаолиятига боғлиқ: ёшларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил эта билиш ва ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларни ташкил эта билиш ҳамда ўтказиш ва ҳақозо. Буларнинг барчаси ўқитувчидан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз соҳасини мукамал билишни, болаларни севишни талаб этади.

2.8. Ўқитиш методини танлаш ва асослаш

Таълим методлари

Ўқитиш усуллари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Таълим усули-ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи (талаба)лар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир. Демак, ўқитиш усуллари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган йўлларни, усулларни ўз ичига олади.

Ўқитишнинг самарали бориши, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бир фанни чуқур ўзлаштириб олишлари, шунингдек улар билимларни онгли ва мукамал эгаллашлари учун ҳамда ёшларда мустақил ва ижодий фаолият-фикрларининг ривожланишига бевосита ўқитувчининг таълим усулларида кенг ва моҳирона фойдалана олишига боғлиқдир.

Ўқитиш усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятлари тушунилади. Ўқитиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятининг қандай бўлишини, ўқитиш жараёни қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради. Дарс жараёнида ўтиладиган мавзунинг характери, мазмунига қараб, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти турлича йўналишда бўлиши мумкин. Ўқитиш методларини танлаш, биринчидан дарсда кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки ўқувчиларнинг китоб билан мустақил ишлашини ташкил этади. Биринчи ҳолда у турли нарсаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб бориладиган ҳикоя, тушунтириш, маъруза ёки суҳбат методларидан фойдаланиши мумкин. Агар дарсда ўқувчиларда амалий кўникмалар ҳосил қилиниши керак бўлса, бунинг учун машқ қилиш методи қўлланилади.

Таълим жараёнида маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятнинг турлича бўлиши янги-янги усулларни келтириб чиқаради. Ўқитиш усуллари, ўқитувчининг ўқитиш фаолияти туғрисида ўтмишда ҳам, жумладан Марказий Осиё олимларининг асарларида алоҳида асослаб берилган. Ҳозирда янги педагогик технологияларни таълим жараёнида кенгроқ жорий этилиши замирида ўқувчи-талабага берилиши лозим бўлган илмий билимлар кўлами ўқитиш усуллари ва шаклларида доирасини кенгаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўқитишнинг ҳикоя, суҳбат, маъруза, иллюстрация турлари, намоёни қилинадиган асбоб-ускуналар ва приборларни кўрсатиш, машқларни, меҳнат топшириқларини, лабораторияда ўтказиладиган тажрибаларни бажариш, халқ педагогикаси материалларидан фойдаланиш усуллари ва услуби, ўқув мунозаралари, ўқув фаолиятида рағбатлантириш ва танбех, ўқув материалларини муаммоли баён қилиш, муаммоли суҳбатлар, тадқиқот тажрибаларини қўллаш, китоб устида ишлаш, компьютерлардан мустақил фойдаланиш каби усулларни қўллаш, оғзаки сўраш, ёзма ишлар, автоматлаштирилган қурилмалар ёрдамида дастурлаштирилган назорат усулларида фойдаланиш ва ҳоказолар ўқитувчилар учун жуда тушунарлидир.

Таълим жараёнининг қизиқарли ва самарали бўлишида, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларни мукамал эгаллашлари учун ўқитувчининг асосий вазифаси дарсда самарали усул-методлардан фойдаланиб, ўқувчи-талабаларнинг илмий салоҳиятини ошириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек уларда ахлоқий сифатларни таркиб топтиришдан иборатдир. Ҳар қандай таълим усулидан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади. Шу боисдан унга эришишда педагогик фаолиятда ўқитувчидан юксак билим, ижодкорлик ва педагогик қобилият ҳамда маҳоратли бўлиши талаб этилади.

Ўқитиш усуллари таснифлашда ўқувчига дастур материалларини ўрганишнинг мақсадга мувофиқроқ йўлларини танлаш имконини яратади, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларини тушунишда ёрдам беради, ўқитувчининг фаолиятини такомиллаштириш учун қулай шароит вужудга келтиради.

Таълим тизимида ўқувчиларга билим беришнинг энг қулай имкониятларга асосланган ҳолда ўқитиш усуллари куйидаги турларга бўлиб ўрганамиз.

1. Ўқитишнинг оғзаки усуллари.
2. Ўқитишнинг кўргазмали усуллари.
3. Ўқитишнинг амалий усуллари.
4. Ўқитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив усули.
5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усули.

6. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари.
7. Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.
8. Китоб билан ишлаш усули.

Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида ўқитувчи юқоридаги усуллардан ўз ўрни ва мохирона фойдаланса ўқувчи (талаба)ларда фаол ҳаракат, билим ва қуникмалар орттириш иштиёқини уйғотсагина, бу жараён самарали кечади ва сифатли натижалар беради.

2.9. Ўқитишда кўргазмали қўлланма ва дидактик воситалар мажмуасидан фойдаланиш

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим тамойилларидан бири – курсатмалилик тамойилидан фойдаланадилар.

Кўргазмали қўлланмалар – ўқувчилар томонидан урганиладиган объектлар, ходисалар, жараёнлар тугрисида яққол тасаввурлар ҳосил қилиш мақсадида ишлатилладиган воситалардир. Ўзлаштирилладиган билимлар характериға, ўқувчиларда мавжуд бўлган тасаввур, тушунча, ҳаёт ва иш тажрибасига, дарснинг аниқ вазифаларига қараб кўргазмали қўлланмалар ўқитишда ҳар хил ролни бажаради. Улар билимлар манбаи сифатида, шунингдек, ўқитувчи сузлаб бериш, тушунтириш, суҳбат вақтида фойдаланладиган расм сифатида хизмат қилиш мумкин. Қўпинча, бу иккала вазифа комплекс тарзда қилиши мумкин.

Ўқув жараёнида кўргазмали қўлланмалардан қенг ва қўйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- урганиладиган объектнинг асли жуда қатта ёки жуда қичик бўлганда;
- урганиладиган объект ёки ходисаларнинг аслини бевосита қўзатиш мумкин бўлмаганда;
- тушунчани график тарзда тасвирлаш талаб этилганда;
- мураккаб объектларни оддийлаштириш ёки ишлаш жараёнини қўрсатиш зарур бўлганда.

Ўқувчиларға янги материални баён этишда кўргазмали қўлланмалардан тугри ва ўз вақтида фойдаланиш қатта аҳамиятға эға. Педагогика фани ва илғор тажриба дарсда кўргазмали қўлланмалар намойиш қилишға оид методик талаблар ишлаб қикди, бу талабларға риоға қилиш уларнинг дидактик қимматини оширади.

Дидактик воситалар мажмуаси жумласига аҳборот беришда фойдаланиладиган техника (кинопроектор ва диапроекторлар, эпидиаскоп, фильмоскоп, магнитофон ҳамда телевизион қўрилмалар) гина эмас, балки тегишли техника билан бирға фойдаланиладиган ўзига ҳос аҳборот элтувчиларнинг ўзи (кинофильмлар, диафильмлар, диапозитивлар, дастурлаштирилган топшириклар туширилган қарталар тўплами ва шу қабилар) ҳам қиради.

Қасб – ҳунар қоллежларида юқори малақали ўста ва ўқитувчилар, бой техникавий имқониятлар, ўқувчиларнинг техникавий ижодиёти қенг ривожланганлиги тўғайли ўқув хоналарини Дидактик воситалар мажмуаси билан жихозлашға, бу воситаларни билим юртларида тайёрлашға, саноатда ишлаб қикарилган техника воситаларини тақомиллаштиришға қатта эътибор берилмоқда. Хоналарни Дидактик воситалар мажмуаси билан жихозлаш ишида қўйидаги асосий техникавий-педагогик талабларға амал қилиш қерак:

1. Ўқув қабинетларини дидактик воситалар мажмуаси билан жихозлашда ўқув жараёнида улардан комплекс тарзда фойдаланишини ҳисобға олиши зарур.
2. Ўқув хонасининг истаган жойида қўриш ва эшитиш ўчун яқши шароит таъминлаш лозим.
3. Ўқув хоналарида дидактик воситалар мажмуаси ишлатилганда шовқин манбаларини йукотиш қерак.
4. Барча техникавий қўрилмалар пухта ва ишлатилиши оддий бўлиши қерак.
5. Ишлатилиши иқтисодий жихатдан мақсадға мувофиқ бўлиши зарур.

Таълим жараёнида кўргазмали қўлланма ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш орқали талабалар томонидан ўзлаштирилладиган материал пухта ўзлаштирилишиға, ўзоқ вақт хотирасида сақланишиға, идрок қилиш вақтини қисқартиришға замин яратилади. Бунда ўқитувчи дарсға ажратилган вақтдан унумли фойдаланади, талабалар диққатини ўқув материалига жалб қилади ва талабаларда фанға нисбатан ижобий муносабатларини шакллантиради.

2.10. Ўқитишда интерфаол методларни қўллаш зарурияти

Ўқитишнинг педагогик технологияға асосланган интерфаол методларининг моҳият-мазмунини билан танишишдан олдин умуман методлар, қисман таълим методлари дунёсига қисқача ўюштирайлик. Таълим жараёнида шундай ўқитиш методларини тадбиқ этиш жоизки, улар охир-оқибатда ўқувчи-талабаларни мустақил ўқиш, фикрлашға, илмий-техникавий аҳборотлар билан

ижодий ишлашга ўргатсин, ўқувчи-талабаларни ўзига хос ва ностандарт фикрлашга йўлласин ва ишчанлик қобилиятини ривожлантириш, ўқишга, мустақил билим олишга қизиқиши ва эҳтиёжини оширсин, ўз ишига фаолиятига, фикрлашига тадқиқот ёндашишини тарбияласин, ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитига тез мослашиш кўникмаларини шакллантирсин. Илмий педагогик назария ва амалиётнинг кўрсатишига бундай дидактик жараён лойиҳасини интерфаол методларга ёрдам бера олади.

1 Ҳамкорликда ўқитиш методи.

Ҳамкорликда ўқитиш методининг асосий ғояси – бирор – бир топшириқни биргаликда бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқишдир.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясида ҳамкорликда ўқитиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ҳамкорликда ўқитишни бу бирор бир вазифани, топшириқни ҳамкорликда бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқитишдир. Буюк рус тарбияшунослигининг асосчиларидан бири А.С.Макаренко «Тарбияланувчиларни тарбиялаш жараёнида, ўзим ҳам тарбияланиб бордим», - деб ёзади. Демак ўқитиш жараёнида, ўқитувчи болаларни ўқитар экан, айна пайтда ўзи ҳам ўқишга мажбурдир. Бу ҳамкорликда ўқитиш орқали амалга ошади.

Ҳамкорликда ўқитиш, яъни кичик, кичик гуруҳларга бўлиб ўқишлар Фарб педагогикасида XIX аср охирларида пайдо бўлган. Аммо гуруҳларда, ҳамкорликда ўқитишга асос – солиниши XX асрнинг 20- йилларига тўғри келади. Унинг асосий технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг биринчи натижаларини матбуотда эълон қилиш 1970 йилларнинг охирлари 1980 йилларнинг бошларида тўғри келади.

Ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланишда ўқитувчи:

- а) Қайси мавзунини ҳамкорликда ўқитишни олдиндан белгилайди;
- б) Мавзу учун ўқув топшириқлари ва уларни бажариш тавсияномасини режалаштиради;
- в) Ҳамкорликда ўқитиш дарс – ишланмаси ва унинг тузилмасини ишлаб чиқади ва ниҳоят;
- г) Мавзу бўйича билимларни назорат қилишнинг тест топшириқларини тўзади

«Танқидий фикрлаш»га ўргатиш методи

Республикамизнинг педагогик жамоатчилиги томонидан мазкур масалага доир Б.А.Фарберман, Р.Г.Мусина, Ф.А.Жумабоева, Н.С.Саидахмедов, Н.Н.Азизхўжаева, К.З.Зарипов, О.Р.Розиқов, У.Толипов ва бошқалар томонидан маълум даражада илмий-назарий маълумотлар эълон қилинди. «Танқидий фикрлаш методи»нинг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида, ахборотларни қабул қилиш, уларга ўз муносабатини билдириш, хатолик ва номунофиқларни излаш, ўз мулоҳазаларида нуқсонларга йўл қўймасликка интилиш, ўз тушунмовчиликларини англаш, фарқлаш, аниқ хулосалар чиқаришга йўлладан иборат.

«Танқидий фикрлаш» - онгли мустақил тахлилий фикрлаш жараёни бўлиб, бунда – ўқувчи ўзига таклиф этилган маълумотлар, ахборотлар, нуқтаи-назар ва ахлоқ кодекслари тўғрисида соғлом фикр юритиш имкониятини берадиган методдир. Шундай қилиб, танқидий фикрлаш, ахборотларни қабул қилишдан бошланиб, қарор қабул қилиш билан тугайдиган фикрлаш, уйлаш жараёни экан, бу жараёнда ўқувчи-ёшлар баҳсли муаммоларни ечиш вақтида тинглаш, мулоқотга киришиш маданиятини ўрганадилар, турлича нуқтаи назарларни таққослайдилар, хулосалар чиқарадилар, ўзгалар фикрига бефарқ қарамайдиган, аналитик фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга интиладиган инсонлар бўлишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам бу метод фаолдир.

«Танқидий фикрлаш» методи-ўртага ташлаган масала ёки муаммо юзасидан фикр айтиш, ўзгалар фикрини танқидий идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга ундайдиган технологиядир.

«Танқидий фикрлаш» методини қўллаш қоидалари:

1. Танқидий фикрлаш учун вазият яратиш.
2. Ўқувчиларнинг фикр-ғояларини асослаш учун гуруҳларни ташкил қилиш.
3. Ҳар бир гуруҳ фикрини аниқ ёхуд муҳокама жараёнига ахборотларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш учун кузатувчи (эксперт)лар тайинлаш.
4. Аниқ хулосалар, таҳлил фикрлар кузатувчилар (экспертлар) томонидан рағбатлантиришга имкон яратиш.

«Танқидий фикрлаш» баҳсли-тортишувларга сабаб бўладиган муаммоларни ечишга қаратилганлиги сабабли, ўқувчи-талабаларда тинглаш, ўзгалар фикрини бўлмаслик, унга танқидий кўз билан қараш, таққослаш, тегишли ҳукм чиқаришга эътиборни қаратиш лозим.

«Ақлий ҳужум» методи

«Ақлий ҳужум» методи жамоа ҳамкорлиги асосида маълум модуллардаги маълумотларни такрорлаш орқали яхлит ҳолатини тузиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур метод ўқувчи-талабаларда ҳозиржавоблик (оғзаки, ёзма) малакаларини ривожлантиришга қаратилади. Унда ўқувчилар диққатига умумий ҳолда савол қўйилиб берилган жавоблардан энг сўнгиси, қисқаси ва тўлиғи танланади, ёки «жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда унда маълум жамоа (гурух) томонидан билдираётган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришга» хизмат қилади

«Ақлий ҳужум» - тез ва назарий фикрлаш жараёни бўлиб, ахборотларни тез эсга келтиришдан бошланиб, якуний хулосалар, қарорлар қабул қилиш билан тугалланадиган жараёндир. «Ақлий ҳужум» - олдиндан эгалланган фикрлар, ғояларни ижодий бирлаштириш, маълумотлар, ахборотларни қайта эслаш, тушуниш, қайта ишлашнинг фаол ва интерфаол идрок этиш босқичидир. «Ақлий ҳужум» - турли ёшдаги шахслар, касб эгалари билан амалга оширилиши мумкин интерфаол методдир.

Ўқитишнинг «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Мунозара» интерфаол методлари.

Кичик гуруҳларда ишлаш – дарс жараёнида таълим олувчиларнинг барчасини фаоллаштириш имкониятига эга бўлган методдир. Кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида алоҳида масалалар юзасидан ўз фикрини гуруҳда муҳокама қилишга, турлича фикрларни уйғунлаштириб, муштарак нуқтаи назарга келишга ўрганадилар. Шунингдек, ўқувчи гуруҳ бошловчиси сардори сифатида синфдошлари олдида сўзга чиқиб, гуруҳ нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Бу билан ўқувчида кўпчилик олдида сўзлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, фикрларни уйғунлаштира олиш каби кўникма ва малакалари шаклланиб боради.

Кичик гуруҳларда ишлашни ўтказиш йўллари:

1. Топшириқ, чалкаш масала ёки савол асосида муаммо танлаб олинади. Топшириқда бахсли жиҳатлари бўлиши мақсадга мувофиқдир.
2. Кичик гуруҳлар шакллантирилади. Гуруҳлардаги ўқувчилар сони 3-5 нафардан ошмаслиги керак, топшириқ хусусияти, синфдаги ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда гуруҳдагилар сони ўзгариши мумкин. Гуруҳда ишни ташкил этишда иштирокчиларга вазифалар тақсимлаб борилиши маъқул.
3. Гуруҳларда ишлаш вақти белгилаб олинади. Топшириқни бажариш йўл-йўриқлари тушунтирилади. Вазифани бажариш йўлини тушунмаган гуруҳ аъзоларига қўшимча изоҳ берилади.
4. Гуруҳда иш жараёни тугагандан кейин якуний хулосалар тақдимоти ўтказилади. Хулосаларни гуруҳ сардори ҳимоя қилади. Зарур ҳолларда тақдимот натижалари доскага ёки ватманга ёзиб борилади. Имкониятга қараб гуруҳлар бир-бирларига саволлар беришлари мумкин.

1. Тақдимот натижалари асосида муҳокама уюштирилади ва баҳоланади.

Мунозара – бу фаол, қизиқарли, қизғин ва эхтиросли суҳбат бўлиб, унинг иштирокчилари муҳокама қилинаётган мавзунини муфассал тушуниб олишлари учун намунали йўлдир. Бунда турли фикрлар, ҳатто бир-бирини инкор этадиган нуқтаи назарлар бўлиши мумкин. Муаммони изланувчанлик асосида ҳал этилиши эркин фикрлаш, эркин фикр алмашишни юзага келтиради. Бу ҳол бир ўқувчи-талабада муҳокама қилинаётган, ечилиши лозим бўлган муаммо юзасидан фақатгина ўз қарашларига эмас, балки муҳолифларнинг ҳам қарашларига танқидий нуқтаи назардан ёндашишни тарбиялайди.

Ўқитишнинг мунозара методи ўқувчи-ёшларнинг бугунги куннинг долзарб муаммоларига, ҳаётий масалаларга ўз муносабатларини билдиришга тайёрлайди, қизиқувчанлик, ижодкорликни ўстиради, ўз нуқтаи назарларини далилли асослашга ўргатади, эгалланган билимлар асосида илмий дунёқарашни шаклланишига ёрдам беради. Шундай қилиб, биз ўқитишнинг янги педагогик технология асосланган, ёхуд дидактик жараён лойиҳасининг айрим интерфаол методлари тўғрисида фикр юритдик. Уларнинг ўқувчи-талабаларда ўқув-тарбия ишларида фаол иштирок этишга ўргатишга, ўзига ишонч ҳосил қилиш, ҳам гуруҳлари, ўқитувчилари билан фикр алмашиш, ўқув маълумотларидан муҳимлари, асосийларини ажрата олиш малакаларини тарбиялашга, ўзгалар фикрини англай олиш, ўз нуқтаи-назарига танқидий ёндашишни ривожлантиришга хизмат қилишни кўриб чиқдик.

2.11. Таълимда илғор педагогик технологиялар ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим – тарбия амалиётида қўлланнинг долзарблиги бугунги кунда касб-хунар коллежлари фаолиятини янада ривожлантирмоқда.

Педагогика фани ва амалиётида, «педагогик технология», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» каби атамаларидан кенг фойдаланилмоқда. «Технология» - юнонча икки суздан – «технос» (techne) – мохорат, санъат ва «логос» (logos) – фан таълимот сузларидан ташкил топган.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб киришнинг зарурлигини, МДХ га кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида асослаб берган, россиялик олим В.П.Беспальконинг фикрича, «Педагогик технология – бу ўқитувчи махоратига боглик булмаган холда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакл- лантириш жараёнининг лойихасидир».

БМТ нуфузли идоралардан бири булган ЮНЕСКОнинг таърифича, «*Таълим технологияси – таълим моделларини оптималлаштириш максадиди, инсон ва техника русурслари ва уларнинг узаро таъсирини хисобга олган холда бутун ўқитиш ва билимларни узлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир*».

Ўқитиш технологияси – педагогик технология жараёнли-харакат аспектини англатади. Бу, таълим жараёнини узгарувчан шароитларда ажратилган вақт давомида истикболлаштирилган натижаларига кафолатли эришишга ва конкрет таълим – тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи, усул ва воситалар (технологик операциялар) нинг тартибли бирлигини узида мужас-самлаштирган, таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш- нинг технологик жараёндири.

Таълим жараёнини бир тизим деб карасак, унинг ташкил этувчилари (элиментлари)га қуйидагилар киради: таълим максади, ўқув максадлари (кутилаётган натижалар), таълим берув- чи, тахсил олувчи, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва бахолалаш. Таълим жараёнини лойихалаштиришда санаб ўтилган элиментлардан бирортаси этибордан четда колса, нотугри танланган булса тизим ишламайди, демакки, таълим жараёнинг олдида қуйилган максадига эришилмайди.

Педагогик технологиянинг мохиятини ёритиш учун педагог – дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тухталиш максадга мувофик:

«Педагогик технология – психологик ва педагогик унитлар йигиндиси булиб шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йуллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тупламидир. Айни замонда у педагогик жараёнини ташкилий-методик омилини хам билдиради» (В П Беспалько).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кузлаган ўқитиш ва билимларни узлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг бирликдаги харакатлари воситасида яратиш, тадбик этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

Таълим технологияси деганда эса таълимнинг белгиланган максади ва талабанинг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойихаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини, билимларни меҳнат жараёнига тадбик этишни таъминлайди, педагогнинг онглилигини колипга туширади, унинг жадал харакат килишига ва хаёт йулига таъсир курсатади.

Коллежларда касбга ўқитиш технологияси булса у шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка булган кизикишини юзага келтиради. Мутахассисга булган хар томонлама талабни каноатлантиришга каратилган таълим технологиялари педагог ва талабанинг хамкорлигига, психологик – педагогик шарт шароитларни амалга оширишга имкон беради.

Таълим амалиётига караб педагогик технологияларни уч хил куринишга ажратиш мумкин: **умумпедагогик, хусусий методик ва локал** (модул); **Умумпедагогикавий технология** таълим жараёнини тула-лигича ифодалайди. **Хусусий методик технология** бирор бир фан доирасидаги жараённи ташкил килиш ва амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат. **Локал (модул) технология** ўқув жараёнининг махсус булимларига технологияни тадбик килиш тушунилади. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни хал килишга каратилган.

Маълумки, педагогик технология талабаларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг ахборотлар билан танишганлик ва амалий тайёргарлигига мос булиши керак. Шунинг учун педагогик технология педагог ва талаба фаолияти билан белгиланади.



2.4. расм. Педагогик технология билан ўқитишдаги услубий тизим

Демак, педагогик технология асосида дарс ўтиш педагогик тизимни лойихалаштириш сифатида таълим жараёнининг яхлитлигини, унинг мақсад, вазифаси амалга ошириш шаклларини, услубларини ҳамда укувчилар фаолиятини бошқариш билимини назорати ва текширишнинг узвийлигини таъминлайди

2.12. Масофадан ўқитиш технологияси

Дунёда масофавий таълим технологияси ҳозирда ривожланган мамлакатлар ўқув тизимининг асосини ташкил этади. Бу тизим орқали талабалар фақат белгиланган жойдаги аудиторияларда таълим олмасдан, маълум масофадан туриб ўрганиш, мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Ҳозирги кунда масофадан ўқитиш дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида кенг тарқалган ва қулай таълим шакли сифатида ривожланмоқда. Бу каби ўқув тизими Америка, Ҳиндистон, Британиянинг Лондон Метрополитан, Жанубий Корея университетларида кенг йўлга қўйилган.

Масофавий таълим маълумот олишнинг шундай шаклидирки, унда таълимнинг компьютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган афзал анъанавий ва инновацион метод, восита ва шаклларида кенг фойдаланилади. Масофавий ўқитишда ўқитувчи талабага ўқув материални «Интернет» тизими орқали юборди. Ушбу курс бўйича таълим олишни истаган ўқувчилар веб-сайтга мурожаат қилиб, назарий билимларни оладилар, амалий топшириқларни бажарадилар ва ўқитувчи жавобини электрон почта (e-mail) орқали жўнатилади. Ўқитувчи ўқувчи томонидан бажарилган топшириқни текшириб, жавобни яна электрон почта орқали ўқувчига юборди. Ўқув жараёнида ўқувчи дарсликдаги, электрон кутубхона ва электрон дарсликлардан, видеоконференциялардан фойдаланади. Масофадан ўқитиш бу мустақил ўқишдир.

Масофадан ўқитишнинг турли кўринишлари мавжуд:

- локал компьютер тармоғи орқали;
- глобал компьютер тармоғи орқали;
- махсус кабель телевиденияси орқали;
- ҳар хил компакт дисклар, кассеталар орқали фойдаланиш турлари.

Масофадан ўқитишнинг устун томонлари қуйидагилардир:

- ўқитувчи ва талаба вақтдан ютади, талабани замонавий технологияларга яқинлаштиради;
- ҳар томонлама тежамкорликка эга ва албатта асосийси ўқитишда, масофа танламайди;
- талабаларнинг ўрганиши учун қулай, осон ва содда ҳамда қайта ўзлаштириш, такрорлаш, вақтга мослаш имконияти мавжуд;
- кейинчалик иш жойида замонавий технологияларда тадбиқ этиш учун мос;
- ўқув материални замон талабига биноан тез ва доимий ўзгартириш имконияти мавжуд.
- албатта фойдаланишда зарур компьютер ва техника қуроллари мавжуд бўлиши;
- керакли технологиялардан фойдаланишда етарли кўникмага эга бўлиш;
- техник кўрсаткичларга тобелиги.

Масофавий таълимнинг таркибий қисмлари қуйидагилар: ўқитувчи, ўқувчи, коммуникация. Масофадан ўқитишни наафақат таълим соҳасида, балки кундалик турмушимизнинг барча соҳаларида ҳам қўллаш мумкин ва яхши натижалар беради:

- банк ва молия соҳасида – турли маълумот олиш, алмашиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида – тезда маълумот алмашиш;
- савдо – сотиқ соҳаларида, боғча – яслиларда қўллаш;
- транспорт тизимида фойдаланиш, ҳарбий соҳаларда қўллаш;
- медицинада ҳамкорликда иш олиб боришда қўллаш;
- кутубхона тизимида фойдаланиш;
- дам олишда ва бошқа соҳаларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирда масофадан ўқитишнинг бир неча моделлари ишлаб чиқилган қўлланмаларни уларда жойлаштириш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш бўлса, иккинчиси ҳар хил электрон қўлланмаларни тайёрлаш ва уларни CD лар орқали фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишни ёритишда интернет ресурслари, манзилларидан фойдаланиб, таълимнинг инновацион технологияларига оид зарур маълумотларни тўплашга ҳаракат қилдим. Қуйида мен интернетдан олган янгиликларни намуна сифатида беряпман.

2.13. Графикли органайзерлардан фойдаланиб таълим жараёнини лойихалаштириш

Ўқув машғулотини лойихалаштиришда ўқитувчи, аввало, ўқитиш жараёнини таҳлил қилиши, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мустақил ўқиш билимларни ижодий таҳлил қилишга ўргатиши, ўзлаштирилган билимларни кўникмаларга айлантириш учун ўқув мавзулари бўйича методик тизимни яратади, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малакалар мазмунини ишлаб чиқади. Яратилган методик тизим ва маълумотлар мазмуни ёрдамида ўқувчи тасаввур қилиши лозимлиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этади ва ўқув машғулотлари учун билиш фаолиятининг ташкилий шакллари (назарий дарс, амалий машғулот)ни мақсадга мос танлайди ва уни ечишга ёллайди.

Маълумки, ҳар қандай жараён, маълум натижаларга еришиш учун олдинга қараб интилишни, ҳаракатлар йиғиндисидан иборат. Ўқитиш жараёни таълим ўргатувчи ўқитувчи ва таълим олувчи ўқувчи фаолият ҳамкорлигининг йиғиндисини ташкил этади.

ГРАФИКЛИ ОРГАНАЙЗЕРЛАР (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмаларни тақдим этиш воситаси

Маълумотларни таркиблантириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ходисалар, мавзулар) ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситалари: Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, Б/Б/Б жадвали. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари: Т-жадвали, ВЕННА диаграммаси. Муаммони аниқлаш, уни хал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари: «Нима учун?», «Балик скелети», «Пирамида», «Нилуфар гули» схемалари, «Қандай?» иерархик диаграммаси, «Каскад» таркибий-мантаний схемалар ҳисобланиб, улар машғулотларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва лойихалаштиришда ўқитувчи шу каби графикли органайзерлардан фойдаланиш орқали дарс қизиқарли ташкил этилади ҳамда таълим самарадорлиги ортади.

Қуйида таълим жараёнини самарали ташкил этишда бир неча графикли органайзерлар ҳақида намуна келтирамиз ва уларнинг мазмуни, моҳиятига тухталиб ўтамиз:

1. Инсерт жадвали - Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирилган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради. **ИНСЕРТ** жадвалини ўқувчилар ўзлари тўлдирадилар.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “қиритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:

“V” - мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ. ТОИФА -хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ- Биламан/ Билишни ҳоҳлайман/ Билиб олдим.

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқувчиларга жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар. Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

ВЕННА ДИАГРАММАСИ - 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Т – ЖАДВАЛ- битта концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солиштириш ёки уларни (ха/йўқ, ха/қарши) учун. Танқидий мушоҳада ривожлантиради.

“НИМА УЧУН” схемаси-муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради. Бу каби графикли органайзерлардан фойдаланиш педагогик технология элементи сифатида таълим-тарбия мақсадига эришишни осонлаштиради. Зеро, педагогик технологиянинг асосий муддаоси – ўқувчи шахсини ривожлаштириш ёрдамида таълим-тарбиянинг мақсадга эришишини таъминлашни назарда тутди.

3. Иқтисодий – ижтимоий масалалар мажмуаси

3.1. Қишлоқ хўжалик **корхоналарини** банклар томонидан кредитлашнинг назарий асослари

Қишлоқ хўжалиги дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш заруриятининг мавжуд эканлиги фермер хўжаликларини молиялаштириш масаласини, шу жумладан банклар томонидан кредитлаш масаласини илмий изланиш объекти сифатида қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинишига сабаб бўлди.

Айни вақтда, фермер хўжаликларини кредитлаш амалиёти мамлакатлар кесимида бири-бирдан тубдан фаркланади. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида фермер хўжаликлари ЕИ бюджети ва махсус ташкил этилган фондлар маблағлари ҳисобидан фаол тарзда субсидияланади. Бунинг натижасида фермер хўжаликларининг пул оқими сезиларли даражада барқарорлашади ҳамда ушбу ҳолат кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтиши нуқтаи-назаридан тижорат банклари учун муҳим ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида фермер хўжаликларини субсидиялаш амалиёти мавжуд эмас. Бу эса фермер хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида фермер хўжаликлари пул оқимининг нобарқарорлигига олиб келади. Бундай шароитда банклар учун кредит таваккалчилиги кучаяди. Шу сабабли фермер хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини банклар томонидан кредитлашнинг назарий-услубий асосларида ҳам жиддий фарқланишлар кузатилади. Биз қуйида мазкур фарқланишлар хусусида фикр юритамиз.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Э.Шодмонов томонидан республикада аграр соҳа корхоналарини молиялаштиришда тижорат банкларининг ўрни, аграр соҳа корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Ушбу муаллиф фикрича, “пахта ва ғалла экин майдонлари ҳудудлар бўйича турлича жойлашган, шунингдек, уларнинг иқлим шароитлари ҳам турличадир. Табиийки, уларнинг етиштирилиши, яъни вегетация даври ҳам ҳудудлар бўйича бир хил эмас”. Муаллиф томонидан пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларини банклар томонидан имтиёзли кредитлашда мазкур ҳолатларни ҳисобга олишнинг зарурлиги асослаб берилган.

Э.Шодмоновнинг ушбу таклифи илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда, пахта ва ғалла қийматининг маълум фоизигача берилади; иккинчидан, кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Демак, ҳозирги даврда пахта ва ғалла етиштириш учун фермерларга имтиёзли кредит беришда билдирилган ушбу таклифлар эътиборга олинмаяпти. Бу эса, албатта фермер хўжаликларини банклар томонидан кредитлаш амалиётининг самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Шуниси характерлики, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, шу жумладан МДҲ мамлакатларида фермер хўжаликларининг кредит тўловига лаёқатлилиги паст даражада эканлиги кузатилмоқда. Бундай шароитда фермер хўжаликларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини ошириш муаммоси юзага келади. Ушбу муаммони ҳал қилишда асосан уч хил ёндашув мавжуд:

1. Ҳукумат Давлат бюджетининг маблағлари ёки махсус ташкил этилган давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали фермер хўжаликларини кредитлашни таъминлайди. Бундай ёндашувда тижорат банклари молиявий воситачи сифатида пассив рол ўйнайдилар ва одатда кичик миқдордаги маржа эвазига фермер хўжаликларини кредитлашни амалга оширадилар.

2. Давлат тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига берилаётган кредитлар бўйича юзага келадиган кредит рискинни тўлиқ ўз зиммасига олади. Берилган кредит ўз вақтида қайтмай қолган ҳолатда кредитнинг асосий қарз суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича юзага келган қарздорлик суммаси давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади.

3. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига нисбатан паст фоиз ставкаларида имтиёзли кредитлар берилади. Имтиёзли кредитнинг фоиз ставкаси билан банк кредитларининг бозор ставкаси ўртасидаги фарқ суммаси давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади.

Халқаро амалиётда учинчи ёндашувнинг нисбатан самарали эканлиги ўз исботини топди. Яъни, кредитнинг қайтиш даражасини ошириш, тижорат банкларининг кредит портфелида фермер хўжалиги кредитларининг барқарор салмоғини шакллантириш имкони юзага келди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш масаласи қатор хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Д.Макнотон “Ривожланаётган бозорларда банк муассасалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш уларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади, деган илмий хулосани асослаб берган². Фикримизча, Д.Макнотоннинг ушбу илмий хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аксариятида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслик муаммоси мавжуд; иккинчидан, бўлғуси ҳосилни фьючерс шартномалари асосида қатъий белгиланган баҳоларда сотиш имконияти мавжуд; учинчидан, бўлғуси ҳосилни суғурталаш тартибини такомиллаштириш орқали қурғоқчилик, табиий офат туфайли ҳосилга зиён етган тақдирда ҳам берилган кредитни суғурта компаниясидан ундириш мумкин.

Кредитлаш механизмининг муҳим элементларидан бири кредитлаш шакллари ҳисобланади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини кредитлашда кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда республикамизнинг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи йирик тижорат банклари – Акциядорлик тижорат “Агро банк”- ларнинг кредитлаш амалиётида асосан кредитлашнинг бир мартабалик шаклидан фойдаланилмоқда. Кредитлашнинг ушбу шаклида қишлоқ хўжалиги корхоналари алоҳида ссуда ҳисоб рақамидан кредит суммасини бир марта тўлик ўтказиб бериш йўли билан кредитланади. Ушбу шаклга бир қатор камчиликлар хос бўлиб, улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

– мижоз ҳар сафар кредит сўраб банкка мурожаат қилишга мажбур бўлади;

– мол етказиб берувчилар томонидан шартнома шартлари бузилганда, яъни товарлар етказиб бериш кечиктирилганда ёки товар умуман етказиб берилмаган тақдирда кредит олган хўжалик субъектининг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келади. Чунки мижоз маҳсулот ёки хом

ашёни ололмади, кредит учун фоизлар эса ҳисобланаверади;

– берилган кредитнинг мақсадли ишлатилиши устидан олиб бориладиган назоратнинг таъсирчанлик даражаси паст бўлади.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида кредитлашнинг контокоррент ва форфейтинг шакллари мавжуд эмас, овердрафт шакли эса ривожланмаган. Бу эса ўз навбатида кредитлаш механизмининг самарадорлигини оширишга сезиларли даражада тўсқинлик қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал доиравий айланишининг нисбатан қисқалиги хос. Масалан, пахта, ғалла етиштиришда капитал доиравий айланишининг унумли капитал билан боғлиқ бўлган даври нисбатан узоқ бўлиб, мазкур давр мобайнида уларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжи ошиб боради. Бу эса нафақат бериладиган кредитнинг миқдорига, балки кредитлаш шаклини танлашга ҳам таъсир кўрсатади. Пахта ва ғалла ҳосили йиғиштириб олиниб, улар сотилгунга қадар фермер хўжаликлари фақат харажат қилади. Шуниси характерлики, харажатларнинг ошириб бориши давр жиҳатидан ҳам, миқдорий жиҳатдан ҳам нобарқарордир. Бу эса танланган кредитлаш шаклининг фермер хўжаликлари учун имконият қадар кам харажатли бўлишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун кредитлашнинг кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш шаклидан фойдаланиш бошқа кредитлаш шаклларида фойдаланишга нисбатан самарали ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредит линияси очиш йўли билан кредитлашда кредитлаш ҳажми белгилаб қўйилади ва фермер хўжалиги ҳар сафар кредит сўраб тижорат банкка мурожаат қилиш заруриятдан халос бўлади; иккинчидан, фермер хўжалиги ҳақиқатда юзага келган харажатни кредит ҳисобидан тўлаш имкониятига эга бўлади; учинчидан, фермер хўжалиги корхонаси турли сабабларга кўра кредитлаш лимитининг ишлатилмай қолган қисми учун фоиз

² Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том I – Вашингтон: ИЭР МБРР, 1993. – с. 73-75.

тўламайди. Бу эса унинг банк кредити билан боғлиқ бўлган фоиз тўловлари миқдорини камайтириш имконини беради. Кредитлашнинг бир мартабалик тўлов шаклидан фойдаланилганда, кредит суммаси бир марта тўлиқ суммада тўлаб берилади ва кредитга бўлган эҳтиёж юзага келганда корхоналар банкка ҳар бир кредит учун ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Умуман олганда, юқоридаги фикрларни хулоса қилганда:

биринчидан, фермер хўжалиklarининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга нисбатан юқорида таъкидланганидек, уч ёндашув мавжуд бўлиб, айнан учинчи ёндашув, яъни банклар томонидан фермер хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан банк кредитларининг бозор ставкаси ўртасидаги фарқни давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилиши нисбатан самарали ёндашув деб ҳисобланади;

иккинчидан, фермер хўжалиklarига банклар томонидан берилган кредитлар бўйича юзага келадиган кредит рискин тўлиқ давлат зиммасига юкланиши кредитдан фойдаланувчиларда лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳиссини юзага келтиради;

учинчидан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги шароитида, бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули мақбул усул ҳисобланади. Фикримизча, бўлғуси ҳосилни гаровга олиш қуйидаги икки шартга таяниши зарур:

а) бўлғуси ҳосил фьючерс шартномалари асосида қатъий баҳоларда сотилиши лозим;

б) қурғоқчилик ёки табиий офатлар туфайли бўлғуси ҳосилга зиён етган тақдирда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизлар суммаси суғурта компанияси томонидан тижорат банккага тўлаб берилиши керак.

3.2. Қишлоқ хўжалиklarини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари

Фермер хўжалиklarини кредитлаш қатор молиялаштириш усуллари орқали амалга оширилади. Ҳар бир молиялаштириш усули ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли бир усул иккинчи усулнинг ўрнини тўлиқ боса олмайди.

Халқаро банк амалиётида қишлоқ хўжалигини банклар томонидан кредитлашнинг қуйидаги усуллари кенг қўлланилади:

- фермер хўжалиги субъектларини банкларнинг ўз маблағлари эвазига кредитлаш;
- банк кредитлари бўйича қисман кафолатлар тақдим қилиш;
- фермер хўжалиklarига тақдим қилинаётган кредитлар фоиз ставкасини субсидиялаш;
- Ихтисослашган қишлоқ хўжалиги муассасаларини ташкил этиш усули.

1. Фермер хўжалиги субъектларини банкларнинг ўз маблағлари эвазига кредитлаши анча маъқулроқ ҳисобланади. Ушбу ҳолатда давлат субсидиялари бевосита фермер хўжалиklarига тўланади. Ушбу усулнинг устун жиҳатлари субсидияларни тўлаш имконияти кредитлаш муддати охирида амалга оширилиши ва ишлаб чиқарувчиларни назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Умуман олганда, кредит субсидиялари кредит истеъмолчиларининг ўзларига салбий таъсир ўтказиши, яъни арзон кредитларга эга бўлиш ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва самарали ишлаб чиқариш таркибини шакллантиришни рағбатлантирмайди.

2. Банк кредитлари бўйича қисман кафолатлар тақдим қилиш усули. Ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар фермер хўжалиklари дуч бўлаётган гаров мулки етишмаслиги муаммоси пайдо бўлган шароитда фойдаланилади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги кредитларига бериладиган давлат кафолатлари муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиши, ер бозорининг ривожланмаганлиги аграр секторда гаров муаммосининг юзага келишига сабаб бўлади ва давлат маълум мақсадда гаров ўрнини ўз кафолатлари билан алмаштиради. Қарзлар бўйича кафолатлар фермер хўжалиги соҳасини банклар учун анчагина жозибадор қилади. Шу орқали фермер хўжалигини молиялаштириш соҳасига тақдим қилинаётган кредитлар бўйича тижорат рискларини қисман ўз зиммасига олувчи молиявий муассасалар жалб қилинади, қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қисқаради ва бир вақтнинг ўзида давлат кредит учун қисман таъминотни тақдим этади.

3. Фермер хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тақдим қилинаётган кредитлар фоиз ставкасини субсидиялаш. Кредит субсидияларининг шаклларида бири бу кредитнинг маълум қисмини бюджетдан тўлаб беришдир (Россия Федерациясида амал қилади). Аммо бир қатор

хориж мамлакатлари тажрибасида бюджетдан субсидия тўловларини амалга оширишни фермер хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган махсус фондлардан тўловларни амалга ошириш алмаштиради.

4. Ихтисослашган қишлоқ хўжалиги муассасаларини ташкил этиш усули. Жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилаётган ва бозор муносабатларига ўтишни амалга ошираётган аксарият мамлакатлар ташкил этишга қизиқаётган фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг кенг тарқалган усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари шуни ҳам алоҳида эътиборга олиш лозимки, фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги шароитида аграр соҳани молиялаштиришнинг муқобил усули бу бошқа манбаларга нисбатан аниқ устунликларга эга бўлган лизинг ҳисобланади:

1. Лизинг объекти молиялаштириш жараёнида тўлдирувчи маблағ сифатида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи аграр соҳа субъектларида зарур гаров объекти етишмовчилиги ёки умуман мавжуд эмаслиги шароитида гаров таъминоти муаммосига дуч келмайдилар.

2. Лизинг, лизинг олувчи капиталини бошқа вазифаларни бажаришга сарфланишини таъминлайди.

Фермер хўжаликларини ишлаб чиқариш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон тажрибасида, фермер хўжалигини кредитлаш жараёнида фермер хўжаликларини молиявий йил цикли хусусиятларидан келиб чиқилади.

Фермер хўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун тақдим қилинаётган кредитлар қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- кредитлаш даври қишлоқ хўжалиги циклининг давомийлигига мос келади ва кредит келишувининг бошланиши кейинги қишлоқ хўжалиги циклининг бошланиши ҳисобланади;

- кредит, одатда, револьверли (қайта тикланувчи) ҳисобланади, жорий йил кредити қайтарилиши билан банк ва қарз олувчи ўртасидаги келишувга кўра, кейинги йил қишлоқ хўжалик цикли учун кредит бериш ҳақида қарор қилинади;

- кредит маблағларини бериш фермер хўжаликларининг фаолиятида ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кўра амалга оширилса, кредитлаш одатда очиқ кредит линиялари шаклида амалга оширилади ва кредитни қайтарилиш манбаси фермер хўжалиги маҳсулотларидан тушган маблағлар ҳисобланади.

- кредитнинг қайтарилиш манбаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тушган маблағлар ҳисобланади. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган даромадларнинг башорат кўрсаткичлари олинadиган асосий қарз маблағлари ва фоиз тўловларидан юқори бўлсагина қарздор учун кредит олиш ҳамда банк учун кредит бериш мақсадга мувофиқ бўлади;

- асосий қарз маблағлари ва ҳисобланган фоиз ажратмалари суммасини амалга ошириш бир вақтда, яъни қарздор қишлоқ хўжалиги цикл йили охирида товар маҳсулотларини сотишдан даромад олгач амалга оширилади.

Фермер хўжаликларининг рентабеллик даражасини саноат корхоналарига нисбатан сезиларли даражада паст, ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерга эга, тайёр маҳсулот етиштириш даврининг нисбатан катта эканлиги улар айланма маблағларини тўлдириш муаммосининг чуқурлашишига сабаб бўлади. Шу сабабли уларни асосий воситаларни сотиб олишларида имкон қадар ўз айланма маблағларини кам миқдорда жалб этишлари ва тижорат банклари лизинг компанияларининг лизинг кредитларидан кенг кўламда фойдаланишлари катта амалий аҳамият касб этади.

Инвестицион кредитлар фермер хўжалиги субъектларига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун узоқ муддатли қўйилмалар шаклида қуйидаги мақсадларга берилади:

- қишлоқ хўжалик техникасини (трактор, комбайн ва ҳ.к) харид қилиш;
- ер унумдорлигини ошириш учун узоқ муддатли қўйилмалар (эррозияга қарши чоратadbирлар, ирригация ишлари ва ҳ.к.ни амалга ошириш);
- ишлаб чиқариш инфратузилмасига қўйилмалар (элеваторлар, дон сақлаш майдонлари, омборлар ва ҳ.к.).

Узоқ муддатли кредитларни бериш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кредит шартномаси одатда кейинги йил транши учун фоиз ставкалари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда бутун кредитлаш муддати давомида тузилади. Ушбу механизм кредитор учун

қулай ҳисобланиб, уни фоиз рискдан ҳимоя қилади (капитал бозори конъюнктурасига мувофиқ кейинги инвестицион кредит транши фоиз ставкасини ҳар йили ўзгартириб бориш имкони мавжуд бўлади).

- фоиз ажратмалари йилма-йил, асосий қарз суммаси эса кредит шартномаси тугагач тўланади. Агар кредитлашнинг бошланғич йилларида ушбу фаолият тури бўйича соф молиявий тушумлар фоиз ажратмаларини тўлаш учун етарли бўлмаса фоизларнинг капитализацияси амалга оширилади, яъни асосий қарз суммасига қўшилади.

Кўпинча қисқа муддатли кредитлар ҳам, инвестицион кредитлар ҳам қарздор узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиб келаётган банк-кредитор томонидан берилади.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида фермер хўжаликларини молиялаштириш муаммолари ва молиялаштириш схемасини мақбуллаштириш масалаларига бошқарув органлари ҳамда аграр соҳа субъектлари томонидан катта эътибор қилинмоқда. Бу қишлоқ хўжалигининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари (табиий иқлим шароитлари, ишлаб чиқариш циклининг муддати) сабабли қишлоқ хўжалиги кредит бозори узлуксиз фаолият олиб беролмайди. Бу эса, ўз навбатида, давлат олдида ушбу соҳани назорат қилиб туриш муаммосини келтириб чиқаради. Сўзсиз, фермер хўжалиги давлатнинг тўғридан-тўғри дотациялар, имтиёзли кредитлар шаклида фаол молиявий қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Аммо шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кредитланиши кўпинча қутилган натижаларни бермасдан турибди, бу каби кредитларнинг қайтарилиш даражаси эса пастлигича қолмоқда, молиявий муассасалар эса ушбу жараёнларда молиявий маблағлар кузатувчиси сифатида қолишмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалигига ажратиладиган чекланган давлат маблағлари аграр секторнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидаги “Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди”³.

Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида тижорат банклари ўрнини белгиловчи омилларни баҳолаш ҳамда қишлоқ хўжалигини кредитлашда иштирок этувчи тижорат банкларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш лозим. Айниқса ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг нисбатан самаралироқ усулларини топиш кескин муаммолардан ҳисобланади, чунки аграр тармоқни молиялаштиришнинг кўпгина чора-тадбирлари биринчи бор қўлланилмоқда ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётга таъсирлари ўрганилмаган. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг хориж тажрибаларини ва молиялаштириш йўналишларини ўрганиш лозим. Хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, айниқса ривожланган хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигини кредитлашда жиддий, залварли ютуқларга эришилган. Шу жумладан қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёни жуда соддалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади ва улар билан бир қаторда Давлат бюджети ва маҳсус жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул оқими даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

3.3. Ўзбекистон саноат қурилиш банки Қашқадарё вилояти филиалида қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалдаги ҳолатининг таҳлили ва унга хос бўлган тенденциялар

Ҳозирги кунда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш Жамғармаси, тижорат банклари, нобюджет фондлар, кредит уюшмалари ҳамда хорижий кредит линиялари маблағлари республикада қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаш манбалари ҳисобланади.

³ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз тараққиётни юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ №16.

Молиявий маблағлар асосан 5 йўналишда ишлатилмоқда:

- сув хўжалигини сақлаб туришга;
- ирригация ва мелиорация ишларини молиялаштиришга;
- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидини молиялаштиришга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш амалиётини молиялаштиришга;
- лизинг операцияларини молиялаштиришга. Айниқса, кейинги йилларда республикада

лизинг операцияларини тижорат банклари томонидан кредитлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рентабеллик даражаси пастлиги натижасида уларнинг қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун молиявий имкониятларга етарли даражада эга эмаслиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари орқали берилаётган кредитларнинг асосий қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилаётган кредитлар ташкил қилмоқда.

3.3.1-жадвал

Ўзсаноат қурилиш банки Қашқадарё вилояти филиалида Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб кредитлаш кредитларининг қишлоқ хўжалиги кредитлари таркибидаги миқдори

Кўрсаткичлар	2011.	2012	2013	2013 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши. (-; +)
1. Банк томонидан қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар, млрд. сўм	1,2	1,35	1,48	+0,28
2. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредитлар, млрд. сўм	1,0	0,978	1,152	+0,152

3.3.1 - жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2011-2013 йилларда Жамғарма маблағлари эвазига берилган кредитлар миқдори 15,2%га ошган. Бу эса, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда давлатнинг фаол иштирок этаётганлигини тасдиқлайди. Аксинча, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўсиш суръати нисбатан паст ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидини молиялаштириш механизми 1999 йилгача амал қилган тижорат банклари томонидан марказлашган кредитларни қайта молиялаш механизмини алмаштирди.

Бошланишида ушбу тизим тижорат банкларига маблағларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш йўли билан бўнак маблағларининг қайтарилишини таъминловчи самарали тизим сифатида қаралди. Аммо, ушбу механизм узоқ қўлланилиши давомида уни бозор шароитларида самарали фаолият олиб бора олмаслигини ифода қилиб берувчи бир қатор омиллар аниқланди.

а) бўнак маблағлари мақсадли ҳисоб варақларга барча хўжаликлар учун мулк шаклидан қатъий назар бирлашган траншлар шаклида келиб тушади, бунда у ёки бу хўжаликнинг технологик хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмайди. Натижада пул тушумлари келиб тушишининг муддати ва суммалари ҳамда тўлаб бериш муддати ва суммалари ўртасида тафовут вужудга келади.

б) транш маблағларининг мақсадлилиқ тавсифига эга эканлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маблағларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тақсимлай олмаслигини келтириб чиқаради.

в) тижорат банкларининг молиявий воситачи сифатидаги роли пасаяди, улар зиммасига мақсадли ҳисобварақларга хизмат қилиш ҳамда бўнак маблағларининг қайтарилишини таъминлаш вазифалари юклатилади. Республикада тижорат банкларида барқарор молиявий ресурслар етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги уларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш имкониятини кескин чегараламоқда.

г) қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, қишлоқ хўжалигига ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчиларга хизмат кўрсатувчи тармоқларда рақобатни кучайтириш

секинлашмоқда, сабаби давлат харидини молиялаштириш тизимида ҳисоб-китоблар фақат маълум бир етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар билангина олиб борилади.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқ таркибини таҳлил қиламиз.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига тақдим қилган кредитлари, миқдори бўйича, кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида тўртинчи ўринни эгаллайди.

3.3.2-жадвал

Ўзсаноат қурилиш банки Қашқадарё вилояти филиалида кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби

(млрд. сўм ҳисобида)

№	Иқтисодиёт тармоқлари	2011 .	2012 .	2013	2013 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
1	Саноат	18,9	73,9	88,6	+69,7
2	Қишлоқ хўжалиги	3,4	2,8	7,6	-0,8
3	Транспорт ва алоқа	3,3	1,2	2,3	-1,0
4	Қурилиш	17,3	8,1	18,6	+1,3
5	Савдо ва умумий овқатланиш	5,6	5,2	5,3	-0,3
6	Моддий-техник таъминот	-	0,8	-	-
7	Коммунал уй-жой хўжалиги	0,4	0,3	0,6	+0,2
8	Бошқа тармоқлар	8,8	20,7	10,8	+2,0
	Жами	57,7	113,0	128,8	+71,1

Бу эса, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлишига қарамадан, республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун банклар томонидан етарли даражада кредитлаш амалиётининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

Бу ҳолатнинг айрим сабаблари республикамиз олимларининг бир қатор илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Масалан, Э.Шодмонов тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига берган кредитлари миқдорининг бошқа тармоқ корхоналарига берган кредитларига нисбатан сезиларли даражада кам эканлигининг икки сабаби мавжудлигини эътироф этади:

1) қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида кредит учун таъминот вазифасини бажара оладиган юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги;

2) қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сезиларли қисмининг кредит тўловига лаёқатлилик даражасининг паст эканлиги.

Келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига тақдим қилган кредитлари тижорат банкларининг умумий кредит қўйилмаларидаги салмоғи ўсиш суръатига қарамай, қишлоқ хўжалиги кредитларининг даражаси пастлигича қолган. Бу эса қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўпгина қисми кредитга лаёқатсиз ҳисобланади;

- кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида юқори ликвидли гаров объекти мавжуд эмас;

- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш амалиётида тўловларнинг мақсадли тартиби қўлланилади;

- ҳозирга қадар солиққа тортишда бўнақ тўловлари тартиби қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати, меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари ва моддий техник ресурслар нархи ўсиб бораётган бир пайтда қатъий белгиланган харид нархлари хўжаликлар дебитор-кредитор қарздорликларининг ўсишига олиб келмоқда. Молиялаштириш механизмини таҳлил қилишда лизинг операциялари алоҳида эътибор талаб қилади. Лизинг асосий воситалар сотиб олишни узоқ муддатли молиялаштириш шаклларида бири бўлиб, у эскирган машина трактор парклари (МТП) фондини алмаштириш муаммосининг самарали ечими бўла олади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар олиб борилишининг муҳим қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 сентябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар стратегиясини аниқлаб берган ҳужжатлардан биридир ва ушбу Фармонга мувофиқ фермер хўжалиқлари истиқболда асосий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бўлишлари лозим. Концепцияда 2013 йилга келиб фермер хўжалиқларига ажратилган ер майдонларининг умумий қишлоқ хўжалиги ер майдонларидаги салмоғи 86,6%ни, фермер хўжалиқлари ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги салмоғи 34,5%га ташкил этади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги ривож мамлакатдаги фермерлар ҳаракатининг ривож билан боғлиқ.

Тижорат кредитлаш қишлоқ хўжалигида харажатларни молиялаштириш амалиётига чек қўйилишига, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ликвидли ресурслар етишмаслигини камайтиришга ёрдам беришга, моддий ва молиявий ресурсларининг нисбатан самарали ишлатилишига ҳамда қишлоқ хўжалигида тўловларни амалга оширилмаслиги ҳажмини камайтиришга имкон беради. Бунинг натижасида хўжалик субъектларининг пул оқими кучаяди.

Тижорат банкларининг кредитлари корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиқлари сонининг ошиши унинг самарадорлигини ошишига ва шунинг асосида тижорат банклари кредитларига фермер хўжалиқлари томонидан бўлган талабнинг ошишига олиб келди.

Фермер ва деҳқон хўжалиқларини асосий нодавлат молиялаштириш субъектлари сифатида танланиши мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тажрибасидан келиб чиқади, бундан ташқари республикада ширкат хўжалиқларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарали субъекти ҳисобланган фермер хўжалиқларига айлантириш жараёни бораётганлигига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Тижорат банклари қишлоқ хўжалиги корхоналарига берган кредитларининг муддатига кўра таркибини баҳолаш уларни кредитлаш амалиётининг моҳиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади (3.3.3-жадвал).

3.3.3-жадвал

Ўзсаноат қурилиш банки Қашқадарё вилояти филиали томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг муддатига кўра таркиби

(жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2011 й.	2010 й.	2013 й.	2013 йил 2011 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-)
1. Қисқа муддатли кредитлар	65	61,5	69,2	+4,2
2. Узоқ муддатли кредитлар	35	38,5	30,8	-4,2
Берилган кредитлар жами	100,0	100,0	100,0	**

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 2011-2013 йилларда Ўзсаноат қурилиш банки қишлоқ хўжалиги корхоналарига берган кредитларининг 6,4%га қисқа муддатли кредитлар кўпайган. Бу эса, биринчи навбатда, банкда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги, банк капиталлашиш даражасининг пастлиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма маблағларни тўлдириш муаммосининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашда уларга берилган кредитларнинг таъминоти даражаси ва таркибини таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, кредитларнинг таъминоти таркибида учинчи шахсларнинг кафиллиги ва кўчмас мулк ҳам мавжуд. Аммо бўлғуси ҳосил, суғурта полиси каби муҳим кредит таъминоти объектлари мавжуд эмас. Ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётида суғурта полислари ва

бўлғуси ҳосил тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига берадиган кредитлари учун муҳим гаров таъминоти вазифасини ўтайди.

Кредитларнинг фоиз ставкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятининг чегарасини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Банк кредитлари фоиз ставкалари даражасининг юқори бўлиши корхоналарнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятининг чегарасини торайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятида мавсумийлик омилининг сезиларли эканлиги, уларнинг кўпчилигида рентабеллик даражасининг пастлиги, инвестицион кредитлардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги асосий воситалар сотиб олишда тижорат банкларининг лизинг кредитларидан фойдаланиш заруриятини юзага келтиради. Лизинг кредитлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига пул маблағларининг сезиларли даражада камайишига йўл қўймасдан туриб, асосий воситалар харид қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизнинг йирик тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар 2003 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Айтиш керакки, мазкур банкларнинг кредитлаш салоҳияти паст эканлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашда гаров муаммосининг мавжудлиги ва кредитлаш шаклларида тўлиқ фойдаланилмаётганлиги кредитлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3.4. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда сезиларли муаммолар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. *Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини кучайтириш учун етарли шарт-шароитларнинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги.*

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш амалиётининг тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишнинг муҳим зарурий шарт-шароитларидан бири давлат томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар бўйича кредит ва рискинни камайитиришнинг молиявий қўллаб-қувватланиши ҳисобланади. Демак, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаштирилиши мазкур корхоналарнинг кредитни қайтариш имкониятини оширади. Ўзбекистон Республикасида эса ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг фоиз ставкаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаш амалиёти мавжуд эмас. Тўғри, республикамизда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини имтиёзли кредитлаш тартиби мавжуд. Лекин берилган кредитларнинг бозор ставкаси билан имтиёзли фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаштирилмайди. Фақат тижорат банкларининг имтиёзли кредитлардан олган даромадлари фойда солиғидан озод қилинган.

Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи зарурий шарт-шароитлардан яна бири Марказий банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан селектив кредитлаш тартибининг қўлланилиши ҳисобланади.

- Марказий банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан эмиссия қилинган тратталарни нисбатан паст дисконт ставкасида қайта ҳисобга олиниши уларнинг дисконтли кредитлар олиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради;

- танланма кредитлашни амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаётган банкларнинг жорий ликвидлигини таъминлаш учун қулай имконият юзага келади.

2. *Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги.*

Халқаро банк амалиётида машина ва ускуналар юқори ликвидли гаров объектлари ҳисобланмайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашда гаров муаммоси мавжуд.

Халқаро банк амалиётида юқори ликвидли гаров объектлари мажмуига қуйидагилар киритилади:

- олтин, платина, палладий каби нодир металллар;
- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- Марказий банклар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар;
- Марказий банкда қайта ҳисобга олинган тратталар;
- Ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив қимматли қоғозлар;
- ер майдонлари.

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш кенг қўлланилади. Бунинг учун эса, зарурий шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим. Ана шундай муҳим шарт-шароитларга, фикримизча, қуйидагилар киради:

- суғурта компаниялари фаолиятининг ривожланганлиги ва улар тўловга қобиллигининг таъминланганлиги. Қурғоқчилик юз берганда ёки бошқа табиий офатлар туфайли ҳосил юзага келмаган шароитда тижорат банклари томонидан бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан берилган кредитлар қайтмаслиги мумкин. Бундай шароитда кредитни ундиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳосилни суғурта қилган суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган суғурта қоплаш суммалари ҳисобланади. Аммо суғурта компанияси тўловга қобил бўлмаса, у ҳолда, улардан суғурта қоплаш суммасини ундиришнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун ҳам суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги қишлоқ хўжалиги корхоналарини бўлғуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

- етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг барқарорлигини таъминланганлиги. Етиштирилган маҳсулотлар баҳосининг бозор конъюнктураси ўзгариши туфайли пасайиб кетиши қишлоқ хўжалиги корхоналари тушумининг камайишига олиб келади. Тушумнинг камайиши эса корхонанинг барча молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Шу жумладан корхонанинг фойдаси ҳам камаёди. Бунинг оқибатида корхонанинг кредитни қайтариш имконияти кескин пасаяди. Халқаро амалиётда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида фьючерс шартномалари тузиш усулидан кенг қўламда фойдаланилади. Фьючерс шартномалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг ўзгармасдан сақлаб туриш имконини беради.

3. Тижорат банклари ресурс базаси барқарорлик даражасини оширишнинг зарурлиги.

Республикамиз қишлоқ хўжалигига банк хизмати кўрсатувчи йирик тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашда жиддий муаммоларнинг мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Ушбу муаммолар қуйидаги шаклларда намоён бўлди:

- тижорат банклари депозит базасининг нобарқарорлиги.
- тижорат банклари талаб қилиб олинган депозитларининг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий даражага нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги.

Трансакцион депозитлар тижорат банклари учун ресурс базаси вазифасини бажара олмаслиги туфайли уларнинг депозит базаси ҳисобланаётганда трансакцион депозитлар депозитларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади. Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, агар трансакцион депозитлар жами депозитларнинг 30 фоизидан ошиб кетса, тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигига путур етади.

Лекин шуни эътироф этиш лозимки, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланишади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тижорат банкларида ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан трансакцион депозитлардан тижорат банкларининг фаолиятида ресурс сифатида фойдаланишга нисбатан чеклов ёки таъқиқлов мавжуд эмас.

4. Тижорат банкларида узоқ муддатли кредит ресурсларининг етарли эмаслиги.

Қисқа муддатли кредитлар эвазига қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тўловлар ва тушумлар ўртасидаги тафовут туфайли муддати ўтган кредитлар ҳажмининг ўсишига олиб келади (ўсимликшуносликда ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги билан асосланади).

5. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитларнинг реал даражадаги талабларга мос эмаслиги.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла маҳсулотлари харидини бўнаклаштириш тизимидан имтиёзли кредитлаш тизимига босқичма-босқич ўтиш тартибини аниқлаб берувчи меъёрий ҳужжатларга асосан кредит ҳажмини ўрнатилган харид нархлари асосида белгилаш тартиби сақланиб қолган. Бундан ташқари, кўрсатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш таннархининг ўсиши харид нархларининг ўсишидан ортиб кетмаслиги керак. Бу эса пахта хомашёсига харид нархларини ўрнатиш механизмини, зарур бўлган моддий-техник ресурслар ва хизматлар тўлови билан боғлиқ бўлган хўжалик харажатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш лозимлигини талаб қилади.

Шунингдек, технологик картада ўрнатилган харажатлар меъёри доирасида кредит маблағларини харажат қилиш талабларини ҳам кўриб чиқиш лозим. Имтиёзли кредитлашда ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилишини сақлаб қолган ҳолда бу ҳолатни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу фермер хўжаликларига кредит харажатлари ҳажмини ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари белгилашларига имкон яратади.

Бу эса, ўз навбатида, имтиёзли кредитлашни тижорат банклари учун самарасиз қилиб қўяди ва унинг ўсишини секинлаштиради.

6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш меъёрий-ҳуқуқий асосларининг такомиллашмаганлиги.

Жумладан, Ер кодексининг 36-банди ер майдонини ижарага олиш ва ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқини тугатиш ҳолатларини белгилаб беради. Ижара ҳуқуқининг тугатилиши қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилиши белгиланган. Лекин бу қонунларга ижара ҳуқуқининг тугатилиши жараёнида, ер майдонларини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олиш асосида кредитлар тақдим қилган банкларнинг манфаатлари ҳақида аниқлик киритилиши лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартибига кўра банклар фермер хўжаликлари тугатилган тақдирда ҳам ижарачи ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Гаровдаги узоқ муддатли ижара ҳуқуқини сотиш қонунчиликда кўрсатилган тартибда очиқ савдода амалга оширилади. Лекин қонунчиликда шу кўринишдаги савдони ўтказиш механизми батафсил ишлаб чиқилмаган. Бу эса тижорат банкларига гаровдаги мол-мулкни очиқ сотиш жараёнида қийинчиликларга дуч келишларига олиб келади.

“Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги (Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январда 1295 сон билан рўйхатга олинган) Низомда имтиёзли кредитлашда гаров таъминотига эътибор қаратилмаган. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ҳосилини сотишгача, кредитни муддатидан олдин қоплаш зарурати туғилганда қийинчиликларга сабаб бўлади. Бундай вазиятларда банклар қонунчиликка мувофиқ қандай йўл тутишлари мумкин деган савол туғилади. Бундан ташқари, ушбу ҳолатда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 4 декабрда 422-сонли Қарор билан тасдиқланган “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби”га мувофиқ ундиришни қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратилиш имконияти кўзда тутилмаган.

“Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ микрофирма ва деҳқон хўжаликларига бошланғич капитални шакллантириш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг 150 баробари миқдорида, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 300 баробар миқдордаги имтиёзли кредит суммаси берилиши ўрнатилган. Бу лимитларнинг кўпайиши, масалан 2 мартага, яъни микро фирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун 300 минимал иш ҳақи ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун 600 минимал иш ҳақи миқдорида бўлиши, ўз навбатида, қайта ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш учун имкон яратади.

Иқтисодий ҳуқуқий шарт-шароитларнинг яратилиши қишлоқ хўжалигини кредитлаш жозибдорлигини оширишга ва бу соҳани молиялаштиришда тижорат кредитлари ҳиссасининг кўпайишига имкон яратади.

Шу билан бирга, республикада қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари шуни кўрсатадики, тижорат кредитлашнинг устунликларига қарамай ҳозирги кунда республикамиздаги иқтисодий ўсиш жараёнида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги баҳс талаб қилмайдиган далилдир. Асосий масала давлат томонидан

қўллаб-қувватлашнинг қайси механизмлар воситасида амалга оширилса, қўйилган мақсадга эришиш мумкинлигидадир:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш;
- давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш.

3.5 Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари

Фермер хўжаликларини самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишида кредит билан таъминлаш тизими муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликлар фаолиятини ривожлантиришга, уларни молиявий қўллаб қувватлашга устуворлик берилиб, молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими шаклланди. Пировардида фермер хўжаликларини аграр тамоқда тутган ўрни йилдан-йилга ортиб, бугунги кунда улар қишлоқ хўжалигини асосий хусусий тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини кредитлаш тизимининг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган бўлиб уларни кредитларга бўлган талаби асосан марказий бюджет, тижорат банкларининг мақсадли кредитлари, давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича ажратиладиган маблағлар, турли хил жамғармаларнинг маблағлари, кредит уюшмалари ва ҳамкорликдаги корхона ва ташкилотларнинг маблағлари, қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизинг асосида харид қилиниши ва ниҳоят шахсий маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. 2004 йилдан бошлаб фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш мақсадида кредит ажратиш тизими кенгайтирилиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш орқали бўлғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Фермер хўжаликларига банкларнинг ўз ресурслари ҳисобидан икки турдаги яъни, тижорат ва имтиёли кредитлар ажратилмоқда.

Бирок, ушбу йўналишда эришилган ютуқлар билан қатор камчиликлар муаммолар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Бу эса аввалом бор қишлоқ хўжалиги субъектларининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, фермер хўжаликларини кредитлаш тизимида кредитлаш ва молиялаштиришни таъминлайдиган институтлар ва жамғармалар ўртасида узаро ҳамкорликнинг йўқлиги республикамиз бўйича фермер хўжаликларида чет эл грантлари ва молиявий институтлар томонидан амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларга ажратилаётган маблағлари мувофиқлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланишни қониқарли аҳволда эмаслиги, аксарият фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати қониқарли эмаслиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, -“Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш, биринчи навбатда инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш”⁴ масаласи устувор вазифалардан бири сифатида қўйилаётган ҳозирги шароитда кредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш ва фермер хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш борасида амалий тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Ушбу жараён қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш вазифасини амалга оширишда янада муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назаридан ҳам фермер хўжаликларида замонавий молия кредит муносабатларини шакллантиришда банк хизмати кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва бунда: агросаноат мажмуига замонавий молия кредит хизмати кўрсатишга ихтисослашган турли мулкчилик шаклдаги тижорат банкларининг институционал муҳитини яратиш ва кредит-кооперация уюшмалар фаолиятини ривожлантириш; кредит ажратиш тизимини соддалаштириш мақсадга мувофиқ.

⁴ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз тараққиётни юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ №16.

Бунда давлат томонидан фоизларни субсидиялаш, фермер хўжаликлари қуйидаги шартларни бажарсагина амалга оширилиши лозим:

- ҳосилдорлик даражасининг вилоят ўртача ҳосилдорлик даражасидан кам бўлмаслиги;
- муддати ўтган қарздорликнинг умумий дебитор-кредитор мажбуриятларидаги салмоғи 30 фоиздан ортмаслиги (амалиёт натижалари шуни кўрсатадики, агар ушбу салмоқ 30 фоиздан ортиб кетса хўжалик фаолияти нақдлик оқимида самарасиз бўлади);
- маълум бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдаги умумий харажатлар вилоят харажатларининг ўртача даражасидан ортиб кетмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги корхонасининг кредит бўйича фоиз ставкаларини ўз вақтида тўлаб бориши.

Ушбу талабларнинг бажарилиши самарали ишлаб чиқарувчиларни адресли қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашнинг бу услубини амалиётга жорий этилиши қуйидаги натижаларга эришишга ёрдам беради:

- Давлат бюджети маблағларидан нисбатан самаралироқ фойдаланиш;
- тижорат банклари қишлоқ хўжалиги соҳасини кредитлаш фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантириш;
- ишлаб чиқарувчиларни бевосита субсидиялаш услубига нисбатан кўпроқ қишлоқ хўжалиги субъектларининг кредит эҳтиёжини қаноатлантириш.

Лекин қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ресурсларга бўлган талабини таъминлаш ва тижорат банкларининг ушбу соҳани кредитлашни рағбатлантириш мақсадида ушбу масалаларни ҳал қилишнинг қўшимча механизмларини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларининг ривожланиши Концепциясига мувофиқ, кредит уюшмаларини ташкил этиш йўли билан фермер хўжаликларини кредитлашнинг муқобил вариантларини ривожлантириш кўзда тутилган. Бундан ташқари фермер хўжаликларининг хоҳишларига кўра уларнинг ишлаб чиқариш, харидлар қилиш, қайта ишлаш ва маҳсулотларини етказиш бўйича кооперациялашуви, жамиятлар ҳамда уюшмаларда бирлашуви ҳам Концепцияда кўрсатилган.

Шуни эътиборга олиш жоизки, ҳукумат учун қишлоқ хўжалигига кредит хизмати кўрсатадиган кам сонли тижорат банклари билан ишлаш иқтисодий жиҳатдан, харажатлар мониторингини амалга ошириш чикимларини камайтириш нуқтаи-назаридан қулай ҳисобланади. Аммо қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг бир-иккита тижорат банкларида тўпланиши банклараро рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳолат қишлоқ хўжалигини кредитлаш жараёнига салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Мазкур салбий таъсир кредитлар фоиз ставкалари даражасининг ошишида, тижорат банклари фоиз маржасининг ўсиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муддатли депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг пасайишида яққол намоён бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда республикада тижорат банклари асосан ўз акцияларини аҳоли ҳамда корхоналар ўртасида жойлаштириш билан боғлиқ фонд операцияларини амалга оширмоқдалар.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш ва суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундирилишига эришиш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш даражасини ошириш лозим.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари нобарқарорлиги, маълум даврий оралиқларда уларнинг сезиларли даражада ўсиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини пасайтиради. Чунки бундай шароитда банк кредитларининг фоиз ставкаси, одатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рентабеллигидан юқори бўлади. Бу ставкалар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, субсидиялаш ҳисобга олинган ҳолда ҳам, рентабеллик даражасидан юқори эди. Тижорат банклари фоиз ставкаларининг юқори эканлиги бир қатор объектив омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ана шундай омиллардан бири қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар риск даражасининг юқори эканлиги ҳисобланади. Кредитнинг баҳоси ва риск даражаси ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг муҳим қоидаларидан бири шундаки, кредит рискининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг баҳоси ҳисобланадиган фоиз ставкасининг даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Албатта, қишлоқ хўжалиги корхоналари сезиларли қисми рентабеллик даражасининг паст эканлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги, улар пул оқимининг заифлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий, об-ҳаво шароитига боғлиқлиги уларни кредитлашдаги кредит rischi муаммосини чуқурлаштиради. Масалан,

республикамизнинг кўплаб тижорат банклари қишлоқ хўжалиги корхоналари балансидаги эски асосий воситаларни, уларнинг мажбуриятлари юзасидан учинчи шахслар берган кафилликларни кредитлар учун таъминот объекти сифатида қабул қилишмайди.

Халқаро банк амалиётида қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини барқарорлаштиришда кенг қўлланиладиган усуллардан бири ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаётган тижорат банкининг устав капиталида иштирок этиши ҳисобланади. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банкида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инвестиция харажатларини кредитлаш учун зарур бўлган узоқ муддатли ресурс пайдо бўлади; иккинчидан, устав капитали миқдорининг кўпайиши кредитлар қийматини пасайтириш имконини юзага келтиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини барқарорлаштиришда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири Марказий банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан эмиссия қилинган узатма тижорат векселларини қайта ҳисобга олиниши ҳисобланади. Марказий банк тратталарни қайта ҳисобга олиш лимитини ва дисконт ставкасини ўзгартириш йўли билан қишлоқ хўжалиги корхоналарига тижорат банклари томонидан бериладиган дисконтли кредитларнинг фоиз ставкалари даражасига таъсир кўрсата олади. Ушбу таъсир икки йўналишда амалга оширилади:

1. Марказий банк қайта ҳисобга олиш лимитининг ҳажмини оширса, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дисконтли кредитлар олиш имконияти ошади. Агар лимит миқдори камайтирилса, у ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дисконтли кредитлар олиш имконияти камаяди.

2. Марказий банк қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан чиқарилган тратталар бўйича ўзининг дисконт ставкасини оширса, у ҳолда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган дисконтли кредитларнинг ҳам фоиз ставкаси ошади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дисконтли кредитлар олиш имкониятини камайтиради. Аксинча, Марказий банк қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан чиқарилган тратталар бўйича ўзининг дисконт ставкасини пасайтирса, у ҳолда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган дисконтли кредитларнинг ҳам фоиз ставкаси пасаяди. Бу эса, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дисконтли кредитлар олиш имкониятини оширади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар бўйича суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундиришда муаммо юзага келмоқда. Муаммонинг моҳияти шундаки, республикамиз тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитлар суғурта ҳодисасидан суғурта қилинган. Шу мақсадда суғурта компанияларининг суғурта полислари банклар томонидан олинган. Аммо суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундиришда қийинчиликлар юзага келмоқда. Ушбу қийинчиликлар юзага келишининг асосий сабаби, фикримизча, суғурта компаниялари томонидан суғурта қоплаш суммаларини тижорат банкларига ўз вақтида ўтказиб берилмаётганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса тижорат банки билан тузилган Бош битимга асосан муддатида қайтмаган кредит ва унинг фоизи суммаларини тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамидан “кесиб” олади. Бунинг оқибатида тижорат банкининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигига жиддий тарзда путур етмоқда. Чунки, бир томондан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредит қайтмасдан туриб, унинг суммаси тижорат банкининг сўмдаги вакиллик ҳисоб рақамидан ундириб олинмоқда, бу эса банкнинг жорий ликвидлилиги пасайишига сабаб бўлади; иккинчи томондан, кредитга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундирилмаслиги тижорат банкининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади.

Республикамиз амалиётида қўлланилаётган пахта ва ғалла экинларини қайта экиш ҳамда кам ҳосил олиш натижасида кўриладиган молиявий зарарни ихтиёрий суғурталашнинг амалдаги қондасига мувофиқ, суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта ҳодисасини ўрганиш юзасидан махсус комиссия тузилиб, ҳақиқатдан ҳам суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ёки бермаганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва экинларга етган зарар миқдори аниқланади. Табиий офат натижасида суғурталанган экин майдони бузилса ва унинг ўрнига бошқа экин экилса, суғурта товонини ҳисоблашда ушбу экиндан олинган даромад ҳисоб-китобларга киритилади. Фермер экинларни экишдан бошлаб йиғиштириб олинган давргача хўжасизликка йўл қўйса ва бу исботланса, у ҳолда суғурта товони 20 фоизгача камаяди.

“Ўзагросуғурта” компаниясининг туман бўлими кўрилган зарарни қоплаш учун суғурта товонини биринчи ўринда тижорат банкига, қолган қисмини эса фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

- тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига берадиган кредитлари фоиз ставкаларини барқарорлаштиришнинг юқорида қайд этилган уч усулини бир вақтнинг ўзида қўллаш лозим;

- Молия вазирлиги суғурта ҳодисаси туфайли ўз вақтида қайтмаган қишлоқ хўжалиги кредитлари ва уларнинг фоизлари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамларидан “кесиб” олмаслиги лозим. Чунки бу кредитлар суғурта ҳодисаси туфайли қайтмади, шу сабабли уларнинг суммаси суғурта компаниясининг жорий ҳисоб рақамидаги маблағлар ҳисобидан ундирилиши лозим.

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун кредит муносабатларини кенг камровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмоғи лозим. Уни амалиётга жорий этиш натижасида юқори самарали фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сонини кўпайтиришга замин яратади.

4. Назарий дарс ўтиш методикаси

4.1. Назарий таълим беришнинг асослари

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга назарий ва амалий билимларни пухта эгаллашлари учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган. Назарий дарснинг мақсади- ўқувчиларга ўргатиладиган фаннинг асосий назарий қисмини тушунтиришдан иборат. Бунда дидактиканинг илмийлик тамойилига асосланади. Бунда дидактиканинг илмийлик тамойилига асосланади. Назарий дарс ўтишда асосан фанлараро боғлиқликка катта эътибор бериш керак.

Касб-хунар коллежларида назарий дарс ўтишда қўйидаги асосий таълим хусусиятларига эътибор берилиши лозим.

1. Берилаётган билим, тушунча илмий асосга эга бўлиши ва аниқлик омиллари билан тўлдирилган бўлиши;

2. Ўқитиш давомида таълим ва тарбиянинг бирлигига эътибор бериш;

3. Ўтилаётган мавзулар узлуксиз, илмий асосга эга ва ўқувчилар тушуна оладиган бўлиши;

4. Назарий дарс ҳаётий ва янги маълумотлар билан боғлаб олиб борилиши;

5. Назарий дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланиши;

6. Ўқитишда тизимлилик, изчилликда, фанлараро ва бир фаннинг ўзидаги ўзаро боғлиқликлар орасида бўлиш;

7. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

8. Ўқув материалнинг мазмунига оид кўрсатмаларни қуроллар, техник воситалар ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

9. Дарсда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Касб-хунар коллежларида назарий таълим бериш жараёни одатда, 2 соатлик дарсларда қўлланилади.

4.2. Касб-хунар коллежларининг ўқув режаси ва фан ўтилишининг тақвимий режаси

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган касб-хунар таълимида ўқув режаси ва дастури ўқув жараёнини аниқ ташкил этишнинг асоси бўлиб, у дидактик тамойилларга ва қоидаларга тўла-тўқис мос келадиган бўлиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи ўқув режаси ва дастурини бажаришни, ўқув материалларининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим топшириқларини, билим, кўникма ва малакаларни юқори даражада бўлиши учун жавобгардир.

Касб-хунар коллежларда таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларга эга бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Касб-хунар таълими ўқув режаси асосида олиб борилади. Ўқув режаси – давлат ҳужжатидир. Ўқув режалари таълим вазирлиги томонидан тузилади ва тасдиқланади ҳамда республикадаги барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади. Касб-хунар коллежининг ўқув режаси коллежда ўргатиш учун танланган ўқув предметларини, уларнинг таълим олиш йўллари бўйича тақсимланишини, ҳар бир предметга ажратилган соатларнинг ҳафталарга бўлинишини белгилайди. Ўқув режалари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади.

Ҳар бир ўқув фани учун **ўқув дастури** тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ўоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир. Дастурнинг асосий вазифаси - ўқув предметининг мазмунини ифодалашдир, яъни дастур иккита вазифани бажаради: таълимнинг мазмунини ўқув предмети доирасида акс эттиради ва фан учун муайян норматив сифатида хизмат қилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириш лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади. Шунингдек, у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

Йиллик тақвимий режа - ўқув дастурининг асосий қисмини ташкил этиб, унда мавзулар тартиби ва номи, шу жумладан назарий, лаборатория, амалий машғулотлар учун ажратилган вақтлар берилган бўлади. Касб-хунар коллежларида тақвимий режа фан ўқитувчиси томонидан тузилади. Режада бутун ўқув йилида ҳар бир бўлим, мавзу учун қанча вақт ажратилади ва мавзулар қайси муддатда ўқитилиши аниқ кўрсатилади. (4.1-жадвал)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази

Ўқитувчи _____ Шарипова Зулфия Каримовна _____ нинг
(Ф.И.О)

_____ «Корхона иқтисодиёти» _____ фанидан
_____ «Банк иши» _____ таълим йўналишининг _____ иккинчи _____ курс
_____ Молия - 14 гуруҳи учун 2012 - 2013 ўқув йилига мўлжалланган

ЙИЛЛИК ТАҚВИМИЙ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

20__ йил _____ да тасдиқланган дастур асосида тузилган

Режадаги соатлар _____ 80 _____ соат
Шу жумладан маъруза учун _____ 40 _____ соат
Лаборатория машўулоти учун _____ соат
Амалий машўулотлар учун _____ 40 _____ соат

Ушбу иш режа _____ фанлари
кафедрасининг йиғилишида кўриб чиқилган ва
20__ йил __ август №__ сонли мажлис қарорига
асосан маъқулланган.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Директор муовини

« ____ » _____ 20__ й

Кафедра мудири _____

4.3. Назарий дарс машғулотининг таълим технологияси

4.3.1. «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талабалар сони: 20 – 40 гача
<i>Машғулот шакли</i>	Ахборотли маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни 2. Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асослари. 3. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари 4. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти 5. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари
Ўқув машғулотининг мақсади: «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асосларига оид билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш қилиш.	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> - Банк хизматлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банклари фаолияти тўғрисида тушунча бериш; - Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асосларига оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятларини изоҳлаб бериш; - Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг ечимини топиш; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари еритиб бериш; 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> -Талабаларга банк хизматлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банклари фаолияти ҳақида маълумот беради; - Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асосларига оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиради; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятларини изоҳлаб беради; - Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг ечими топилади; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари «Т-схема» ва «Қандай» диаграммалари асосида ёритиб беради.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Ко'rgazmali ma'ruza, suhbat, bahs-munozara Зинама-зина
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Дарслик, маъруза матни, проектор, формат қоғозлари ва маркер, магнитли доска, слайдлар, чизмали органайзерлар.
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари, ўқув топшириқларини баҳолаш

4.3.2. «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	1. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 3. Мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 1.2. Экранга мавзунинг режаларини чиқаради ва уларга таянч ибораларни изоҳлаб беради (1-илова). 1.2. Биринчи машғулоти мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради 1.4. Талабаларни билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар, тушунчаларни ёзиб оладилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Талабаларга банк хизматлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банклари фаолияти ҳақида тушунча беради; 2.3. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятларини «Идрок харитаси» техникасидан фойдаланиб изоҳлаб беради (3-илова). 2.4. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларни очиб беради; 2.5. Халқаро банк амалиётида қишлоқ хўжалигини банклар томонидан кредитлашнинг усуллари «Зинама-зина» техникаси асосида ёритиб беради (4-илова). 2.6. Талабалар билимларини мустақамлаш мақсадида муаммоли топшириқлар беради ва тақдимот асосида жавобларни аниқлаштиради. 2.7. Талабалар жавобларини тўлдиради ва тўғри жавоб берганларини баҳолайди	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга тақдимот асосида жавоб берадилар. Бошқалар бир-бирларини тинглайдилар, саволлар берадилар ва баҳолайдилар.
3. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Гуруҳларга ўзаро қўйган баҳоларини эълон қилади, Ўқув машғулоти натижаларини шарҳлайди. Мустақил ишлаш учун Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини «Т-схема» техникаси асосида ўрганиб келиш (5-илова).	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

4.4. Назарий дарс ўтиш методикаси

Мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Дарснинг тури: Назарий машғулот

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

Дарс ўтиш жойи: Дидактик воситалар билан қуролланган «Иқтисодий фанлари» хонаси

Ўқитиш услуби: оғзаки, кўргазмали-тушунтириш

Интерфаол усуллар: ақлий ҳужум, Идрок харитаси, зинама-зина

Ўқитиш воситалари: дарслик, ўқув қўлланма, доска-экран, компьютер технологияси

Дарснинг жиҳозланиши: Мавзуга тегишли слайдлар, тарқатма материаллар, графиклар, электрон дарслик, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа дидактик материаллар.

Дарснинг мақсади

Асосий мақсад: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларига оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш

Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга жамоа бўлиб ишлаш ва ҳамжиҳатлик, меҳнаткашлик, ҳаётга онгли муносабатда бўлиш, инсонийлик каби хислатларини шакллантириш, иқтисодийнинг жамият ҳамда оилани ривожлантиришдаги ижобий томонларини тушунтириш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда шахсий психологик хусусиятларини шакллантириш ҳамда диққат, хотира идрок машқи ва фанга қизиқишини ривожлантириш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм

Ўқитувчи аудиторияга киргандан сўнг ўқувчилар билан саломлашади, гуруҳ давоматини аниқлайди ва ўқув хонасининг дарсга тайёрлигини ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик ҳолатини куздан кечиради.

II. Ўтилган олдинги дарсни ўқувчилардан сўраш

1. Олдинги дарсда ўтилган «Банклар ва уларнинг операциялари» мавзусини ўқитувчи томонидан «Муаммоли вазият» методи асосида, саволлар орқали ўқувчилардан сўраш ва уларнинг мавзунини ўзлаштириш даражаларини баҳолаш.

- а) Банк ва унинг моҳияти ҳақида тушунча беринг?
- б) Банкнинг актив операцияларига изоҳ беринг?
- с) Тижорат банк ва Марказий банк орасидаги муносабатни қандай тушунасиш.
- д) Марказий банкнинг функцияларини айтиб беринг.

2. Савол-жавобларга фаол қатнашган ўқувчилар билиминини баҳолаш ва уларга эълон қилиш. Мавзу юзасидан ўқувчилар билиминини баҳолашда уларнинг фанга бўлган муносабати ва қизиқиши, жавоб беришда ўзини тутиши, муаммоли топшириқларни мустақил бажара олиши ва мустақил фикрлаши ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларга баҳо қўйишда уларга иложи борича юқори балл қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки юқори балл олган ўқувчининг фанга иштиёқи ва ўқиш мотивлари ижобий томонга ўзгаради.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш

Маъруза дарсида ўтилган мавзунини ўқувчилардан сураш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини мустаҳкамлашда ўтилган мавзу қисқа, ва аниқ фактларга таяниб сўраш лозим. Уларга муаммоли вазият-топшириқлар бериб, муаммо ечимини топган ўқувчиларни баҳолашда уларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Бунда жавобларига танқидий муносабда бўлмаслик, ўқувчиларнинг берган жавобларининг тўғрилиги, ўзини тута билиши, тушунтиришдаги нутқига,

ижодкорлигига, қизиқиши ва фанга бўлган муносабатлари киради. Уларни баҳолашда имкон қадар юқори ёки ижобий балл қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўтилган мавзу мустақамлангандан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар томонидан тухталмай, айтилмай қолган мавзунинг асосий мазмунини интерактив усуллар ёрдамида ёритиб беради, ечилмай қолган муаммолар тушунтирилади ва янги мавзу билан боғланади.

III. Ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзунини баён этишдан олдин ўқитувчи ўтилган мавзунини такрорлаб, уни янги мавзуга боғлайди, узвийлик, тизимлилик ва изчиллик қондасига амал қилади. Шундагина ўқувчилар янги мавзунини тез ва осон тушуниб оладилар.

IV. Янги мавзунини баён этиш

Янги мавзунини баён этишдан олдин, мавзу доска-экранга намойиш қилинади. Мавзу режаларини ҳам доскага ёзиб қўйиш (намойиш этиш) мақсадга мувофиқ. Режалар имкон борича дарснинг охиригача сақланиши лозим. Мавзуга оид тарқатма материаллар ўқувчилар эътиборига етказилади ва дарс учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади.

Мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Режа:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни
2. Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асослари.
3. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари
4. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти
5. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари

(Шу ерда режага асосан янги мавзу баёни ёзилади)

V. Назарий дарс ўтишда таълимнинг дидактик воситалардан фойдаланиш

Назарий дарсни ўтишда таълимнинг техник воситалари ўтилаётган материаллар мазмунини ўқувчиларга кўргазмали усулларда етказиб, таълим сифати ва самарадорлигини янада оширади ҳамда ўтилаётган мавзунини ўқувчилар томонидан тўлиқ идрок этиб, пухта ўзлаштирилади.

Кўргазмалилик ўқувчилар тасаввур доирасини бойитади ва билим, кўникма ҳамда малакаларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради. Маъруза ўқув хоналарининг кўргазмали воситалар билан жиҳозланиши 20% дан ошмаслиги лозим. Кўргазмалликнинг меъёрдан кўплиги ўқувчилар диққатини чалғитади ва уларни толиқишга сабабчи бўлади. Тажрибалар кўргазмали куролларни ишлатишда ахборотларни қабул қилиш даражасини 15% га, ўзлаштиришни 20% га, олинган билимларнинг мустақамлигини 10% га оширишини кўрсатади. Тажрибалар инсон эшитиш орқали сўз ахборотининг 15% ни, кўз орқали кўрганларининг 25% ни, ҳам кўриш ҳам эшитиш орқали қабул қилинган ахборотнинг 65% ини хотирада сақлаб қолинишини кўрсатади.

Шу сабабли ўқитишда кўргазмаллик асосида, намойиш қилиш, замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда назарий дарсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назарий машғулот учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш, ўқувчилар томонидан мавзу мазмунини яхши ва аниқроқ тушунишга, материални узоқ вақт хотирада сақлаш, онгли ўзлаштириш ва ўқувчиларни дарсга бўлган ижобий муносабатларини шакллантириш каби афзалликларни яратади.

VI. Янги мавзунини мустақамлаш

Дарс охирида ўқувчилар янги ўтилган мавзунини чуқурроқ тушунишлари учун куйидагилар амалга оширилади:

1. Ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш;
2. Мавзунини мустақамлаш учун мавзу юзасидан муаммоли вазиятлар яратиш, ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиб баҳолаш ва ўтилган дарсни хулосалаб якунлаш.

- а) Кредит нима?
- б) Қишлоқ хўжалигини банклар томонидан кредитлашнинг қандай усуллари мавжуд?
- в) Қишлоқ хўжалигида кредитнинг қайтарилиш манбаси нима ҳисобланади?
- с) Лизинг нима, лизинг операцияларини изоҳлаб беринг?

VII. Уйга вазифа бериш

1. Ўқувчиларга уйга вазифа беришда дарслик, ўқув қўлланма руйхати, маъруза матнларининг электрон талқинлари, тарқатма материаллар дискларда берилиши лозим.
2. Мавзуни ўқиб ўрганиш, мустақил ўрганиш ва мавзуга оид интернет янгиликларини олиб ўрганиш.
3. Кейинги машғулот «Тоифалаш жадвали», «Ақлий ҳужум», «Каскад» техникалари асосида ўрганилиши айтилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005
2. Каримов И.А. Жаҳоқ молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари -Т. «Ўзбекистон», 2009. й.
3. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. -Т. «ТДИУ», 2004 й.
4. Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р., Карлибаева Р.Х. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005.
5. [http:// www.iuf.ru](http://www.iuf.ru)

5. Амалий ёки семинар машғулотини ўтиш методикаси

5.1. Амалий ёки семинар машғулотини ўтказиш методикаси

Ўқувчилар амалий ва семинар машғулотда назарий курсда олган билимларни чуқурлаштирадilar, кенгайтирадilar ва мустақамлайдилар. Бу машғулотлар ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашини, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишини ташкил этиш шаклидир. Амалий ёки семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади, у ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзу саволлари муҳокамасини яқунлайди, зарур қўшимча, тузатишлар киритади, материални системага солади.

Мамлакатимиз касб-ҳунар коллежларида амалий машғулотларни ташкил қилишнинг звеноли (гуруҳли) шакллари қўлланилади. Бу машғулотлар назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини тарбиялашга хизмат қилади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар ўқувчиларнинг билимини синашга хизмат қилади.

Амалий машғулотларда машқлар, лаборатория ишларини ўтказиш, ҳар хил илмий тажрибаларни ўтказиш каби амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маърузаларда олинган назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғланади ва ўқувчилар томонидан тажрибалар амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир амалий машғулот дарсини ўтказиш режасини пухта тузиб чиқиши керак. Уни қандай янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланиб ўтишни аниқлаб олиши зарур. Керакли кўрсатма ва тарқатма материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Амалий машғулот дарсларида савол-жавоблар, дискуссиялар ташкил қилинади, фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилиб балл қўйилади. Амалий дарсни ўқитувчи хулосалаб яқунлайди.

Касб-ҳунар коллежларида амалий машғулот шаклларида бири семинардир. **Семинар** – ўқувчиларнинг маърузадан олган илмий-назарий билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган таълим шаклларида биридир. Семинар жараёнида ўқитувчининг ўрни жуда юксак, яъни ўқитувчи ўқувчининг ўрнига жавобни айтиб бермайди, балки муҳокамаларни ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Ҳар бир семинар машғулотининг режаси тузилиб, ўқувчиларга олдиндан бериб қўйилади. Семинар машғулоти режаси, саволлари пухта ўйланган

ҳолда мавзуни тўлиқ очадиган, ўқувчиларни адабиётлардан ва интернет маълумотларидан фойдаланишга ундайдиган қилиб тузилади.

Семинар ёки амалий машғулоти куйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ва билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан олиниши;

Ўқитувчи амалий ёки семинар машғулоти олиб боришнинг қатъий ўйланган аниқ режасини тузиши ва дарсни ўтиш усулини аниқлаши ва танлаши шарт. Албатта янги педагогик технологиялардан, ахборот воситаларидан фойдаланишни режалаштириш лозим. Бу борада касб-ҳунар коллежларида замонавий технологиялар имконияти ва шарт-шароитлар мавжуд. Бу машғулоти олиб боровчи ўқитувчининг ўзи ҳам кўрсатилган адабиётлар бўйича машғулоти пухта тайёргарлик кўриши, шунингдек услубий кўрсатма ва тарқатма материалларни ўқувчиларга етказиш учун тайёр ҳолга келтириб қўйиши лозим.

Ўқитувчи амалий ёки семинар машғулотларини бошлашдан олдин ташкилий ишларни ўтказди. Давоматни аниқлайди, аудиториянинг ҳолатини (тозалиги, доскада бўр ва ўчириш воситаларининг мавжудлигини) кўзлан кечиради. Олдинги машғулотида ўтилган мавзунинг асосий мазмуни ва хулосаларни қисқача такрорлайди ва янги мавзуни эълон қилади. Ўқувчиларнинг семинарга тайёргарлиги аниқланади. Режа бўйича саволларга навбат билан ўқувчиларни жавоб беришлари турли интерактив усулларда ташкил қилинади. Ўқувчининг жавобларини гуруҳдошлари ва ўқитувчи тўлдиради. Саволнинг ёритилмай қолган қисмлари бошқа ўқувчилар томонидан тўлдиради. Режадаги барча саволлар муҳокама қилиниб бўлингач ўқитувчи машғулотида яқун ясайди. Ўқувчиларнинг семинар машғулотида олган балларини эълон қилади.

Касб-ҳунар коллежларида амалий ёки семинар машғулотида тайёрланиш ўқувчилардан катта масъулиятни талаб этади. Жумладан, ўқувчилар семинар дарсларига тайёргарлиги давомида мустақил ўқишлари, керакли адабиётлар билан ишлашлари, рўзнома ва журналлардан фойдалана билишлари, шунингдек бошқа мавзуга оид манбаларни излаб топишлари, уларни ўзлаштиришлари керак бўлади.

5.2. Амалий машғулоти ўқитиш технологияси

5.2.1. «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида амалий машғулоти ўқитиш технологиясининг модели

Машғулоти учун ажратилган вақт - 2 соат	Талабалар сони: 25 та
Ўқув машғулотининг шакли	Якка тартибда ўқитишга асосланган амалий машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кредитлаш амалиёти ва унда тижорат банкларининг ўрни 2. Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асослари. 3. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари 4. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти 5. Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларида оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Банк хизматлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банклари фаолияти тўғрисида тушунча бериш; - Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асосларини изоҳлаб бериш; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятларини «Т-схема» техникаси ёрдамида ёритиб бериш; - Якка тартибда ва кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш; - Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг ечимини топиш; -Талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш, уларни таққослаш, таҳлил қилишга ва умумлаштиришга қўмак бериш. 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -Талабаларга Банк хизматлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банклари фаолияти тўғрисида тушунча берилади; - Қишлоқ хўжалик корхоналарини банклар томонидан кредитлашнинг назарий асосларини изоҳлаб беради; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятларини «Т-схема» техникаси ёрдамида ёритиб берилади; - Якка тартибда ва кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этади; - Қишлоқ хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларни якка ва гуруҳлар тақдимоти асосида ечими топилади; -Талабаларни мустақил ишлашга ўргатилади, уларни таққослаш, таҳлил қилишга ва умумлаштиришга қўмак беради; - Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини ривожлантириш йўллари «Т-схема» ва «Қандай» диаграммалари асосида ёритиб беради.
Ўқитиш услуби: Интерфаол усуллари:	Амалий ишлаш, кўргазмали, баҳс-мунозара, «Т-схема», муаммоли ўқитиш, «конверт» техникаси
Ўқитиш воситалари:	дарслик, ўқув қўлланма, компьютер технологияси, дидактик материаллар, графиклардан фойдаланиш.
Ўқитиш шакли	«Кичик гуруҳларда ишлаш» ва «якка тартибда ишлаш» усули
Ўқитиш шарт-шароитлари	Дидактик (техник) воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўқув топшириқларини баҳолаш

5.3. «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида амалий машғулотини технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (5 дақиқа)	<p>Аудиторияни дарсга тайёрлаш. Мавзунини аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.</p> <p>Дарснинг таълимий мақсадларига мос ўқув билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).</p> <p>Мавзуга оид кўргазмалар слайдларда намойиш қилинади (2-илова).</p> <p>Ўқитувчи гуруҳларнинг топшириқ натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади</p>	<p align="center">Кичик гуруҳларни ташкил қилади</p>
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)	<p>1.1. Мавзунинг қисқача мазмуни билан таништиради. Кичик гуруҳларни ташкил қилади.</p> <p>1.2. Мавзудаги режалар мазмунини ўрганишда «Муаммоли вазият» яратиб «Якка тартибда ўқитиш» технологияси асосида топшириқ беради, ҳамкорликда изоҳлаб таъриф беради (3-илова).</p> <p>1.3. Машғулот мунозара шаклида ўтказилиши ва унинг тартиби ҳақида тушунтиради.</p> <p>1.4. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (4-илова).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга тақдимот асосида жавоб берадилар</p>
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида тезкор савол – жавоб ўтказилади. (3-илова).</p> <p>2.2. Талабаларда банк хизматлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тижорат банклари фаолияти ҳақида тушунчалар мустаҳкамланади. «Блиц-сўров» о`тказилади. (4-илова)</p> <p>2.3. Талабаларни ўз фикрларини билдиришларини ва жамоавий муҳокама қилишларини ташкиллаштиради.</p> <p>2.4. Якка ва жамоавий фикрлашни бошқаради: «Идрок харитаси» техникаси асосида Қишлоқ хўжаликларини кредитлаш усуллари ва хусусиятлари бўйича муаммоли саволлар беради (5-илова):</p> <ul style="list-style-type: none"> -фикрларга ўз муносабатини билдиради -мунозарани боришини назорат қилади -мунозара вақтида фикрларни тўлдиради, аниқлик киритади, тўлиқ бўлмаган фикрларга изоҳ беради. <p>2.5. Халқаро банк амалиётида қишлоқ хўжалигини банklar томонидан кредитлашнинг усулларини «Зинама-зина» техникаси асосида ёритиб бериш топширилади</p> <p>2.6. Саволларга берилган жавобларни умумлаштиради.</p> <p>2.7. Машғулотга фаол қатнашган гуруҳ ва тўғри жавоб берган талабаларни баҳолайди.</p>	<p>Фаол қатнашадилар.</p> <p>Эшитадилар ва саволларга жавоб берадилар</p> <p>Ўз фикрларини билдирадилар, фаол қатнашадилар, жамоавий баҳс-мунозарада актив иштирок етадилар, жавоб берадилар.</p>

<p style="text-align: center;">Ш. Якуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун тест топшириқлари беради: назорат учун саволларга оғзаки жавоб бериш. (6-илова)</p> <p>3.3. Келгуси амалий машғулот мавзуси еълон қилинади ва унга тайёргарлик учун мустақил ишлаш лозимлиги айтилади ва дарсга якун ясайди.</p>	<p style="text-align: center;">Эшитади. Аниқлайди.</p> <p style="text-align: center;">Ёзадилар.</p>
--	--	---

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборат-коммуникация тизимлари, воситалари кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мустақил равишда билим олиш, астойдил ўрганиш вазифасини қўймоқда.

Битирув малакавий ишида таклиф этилаётган «**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари**» мавзусида яқка тартибдаги ўқитиш технологиясини яратиш касб-хунар коллежларида иқтисодчи-педагоглар тайёрлаш йўналишида ўқитишни янги талаб ва эҳтиёжлар асосида ташкил қилишга қаратилган бўлиб, уни ўқув жараёнига қўллаш билан касб-хунар коллежларида бир мунча таълимни сифат ва самарадорлигини оширишга эришилади.

Касб-хунар коллежлари ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг жорий этилиши, инновацияларни тадбиқ этиш, интерфаол усуллардан фойдаланиш натижасида таълим жараёнидан кўзланган мақсадларга эришилади, таълимда самарадорлик ортади, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифати яхшиланади. Шунингдек, ўқув жараёнида ўқувчи фаоллигини ошириб, педагогик жараённинг юқори савияда самарали ташкил этилишига асос яратилади. Шу боисдан коллежларда замонавий таълимни такомиллаштириш, таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини яратиш ва ўқув жараёнида замонавий техник воситалардан фойдаланиш бугунги замонавий ўқитувчи меҳнатини такомиллаштиради, уни ижодкорликка, изланувчанликка ундайди.

Ушбу битирув малакавий ишнинг иқтисодий-ижтимоий масалалар мажмуасида мавзунинг иқтисодий томони ўрганилди, танланган объектнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Жумладан Ўзсаноат қурилиш банки Қашқадарё вилояти филиалининг 2011-2013 йиллардаги маълумотларнинг асосий кўрсаткичлари фермер хўжалиқларининг кредитлаш механизмини ифодоловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида иқтисодий-ижтимоий масалаларни ўрганиш таҳлилида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодиётни модерниациялаш шароитида мамлакатларида, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги туфайли, бўлгуси ҳосилни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули оқилона усул ҳисобланади.

2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар фоиз ставкалари салмоқли қисмининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаштирилиши, биринчидан, тижорат банкнинг бериладиган кредитлар бўйича фоиз тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш имкониятини оширади; иккинчидан, кредитнинг асосий қарз суммасини ундириш эҳтимоли ошади, чунки фоиз ставкаси бериладиган кредитнинг баҳоси ҳисобланади.

3. Республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиқларини ривожлантириш ерга ҳақиқий мулкдорлик, мулкка эгалик ҳиссини кучайтирди.

4. Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг бекарорлиги, маълум даврий ораликларда уларнинг сезиларли даражада ўсиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини пасайтиради.

5. АТ “Агробанк” томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, уларнинг АТ “Агробанк” кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга хизмат қилади. АТ “Агробанк” томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкасининг қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкасидан паст эканлиги банкнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бераётган кредитларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир қилади. Мавжуд камчиликларни йўқотиш фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш ҳамда фермер хўжалигининг истикболдаги ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш учун талай ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги битирув малакавий ишда келтирилди. Ушбу мавзуни таълимга хос ёритиб бериш бугун замоанвий таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Шунга асосланиб ўрта махсус касб-хунар коллежларида дарсларни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ҳар бир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда ёшларга кўмак бера олади.

Касб-хунар коллежларида ўқитувчининг дарсда педагогик технологияларни қўллаши, интерактив таълимга асосланиш дарсда ўқувчини фаоллаштиради, фанга қизиқиши ортади, айниқса якка тартибда ўқитиш технологияси асосида дарсларни ташкил этиши ўқувчиларни мустақил изланишга ундайди ва таълимнинг самарадорлигига эришишни таъминлайди. Бу каби дарс қизиқарли бўлади ва ўқувчилар билимларни яхши ўзлаштиради, шунингдек уларда ўқиш мотивлари шаклланади. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни билишга ҳавас, излаш-қидиришга ундайдиган масалаларни ҳал қилиш жараёни билан боғлиқ интеллектуал билимдонлиги ортади.

Демак, таълим жараёнида ўқувчилар якка тартибда ва ҳамкорликда қийин, муаммоли топшириқларни ечишга ҳаракат қилишади. Малакавий ишимда **Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари**» мавзусида якка тартибдаги ўқитиш технологиясини яратиш орқали касб-хунар коллежларида кичик мутахассислар тайёрлашнинг сифат ва самарадорлиги яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни (янги таҳрирда). «Халқ сўзи» газетаси 2004 йил, 15 октябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 6 июн.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 607-сонли Қарори. 2004 йил 24 декабр
4. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи, Т: «Ўзбекистон», 1998 йил
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т: «Шарқ» нашриёти, 1999 йил.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т: «Шарқ» нашриёти, 1998 й.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009 й.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастуримиз тараққиётни юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси , 2011 йил 22 январ №16
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қуллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. 13.01. 1997 й.
10. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Тошкент, 2003 й
11. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Т.: 2004 й.
12. Зокиров О. Қишлоқ жўжалиги иқтисодиёти. Т.: 2003 й.
13. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев У. Педагогик психология. Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2009 й
14. Мавлонова Р, Тўраева О., Педагогика. Тошкент, «Ўқитувчи», 2001 й.
15. Мунавваров А.Қ. таҳрири остида. Педагогика. Т: «Ўқитувчи», 1996 й.
16. Очилов М. Муаллим- қалб меъмори. Т: «Ўқитувчи», 2001 й.
17. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қ: «Насаф» нашриёти, 2000 й.
18. Олимжонов О ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. –Т.: «Ўзбекистон» 2005 й.
19. Салимов Б. ва бошқалар. Фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисоди. –Т.: «ТДИУ», 2004 й.
20. Тухлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: 1999 й.
21. Усмонов В.С., Додобоев Ю. Фермер ва деҳқон хўжаликлари. Т.: 2002 й.
22. Умирзоқов Ў. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва менежменти. Т.: «Иқтисод-молия», 2008 й.
23. Хўжаев Н, Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. ўқув қўлланма, Т-2002 й.
24. Хусанов Р.Х ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштиришнинг илмий-амалий асослари. Т.: «Янги аср авлоди», 2003 й.
25. Хусанов Р., Додобоев Ю. Агросаноат мажмуаси. Т.: 2003 й.
26. <http://www.unece.org/indust/sme/def-eu.htm>
27. <http://www.unece.org/indust/sme/def-cit.htm>
28. <http:// ppsy. ru>
29. <http:// www.iro.yar.ru>
30. <http:// www.iuf.ru>
31. <http:// www.iase.org.uk>
32. <http:// www.ekonomy.com>